



**USAID**  
AMERIKA XALQIDAN

# ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИГИ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ: МИЛЛИЙ ТАЖРИБА ВА ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ

# РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ГЕНДЕРНОМУ НАСИЛИЮ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ ОПЫТ И ЗАРУБЕЖНАЯ ПРАКТИКА

## ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИГИ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ: МИЛЛИЙ ТАЖРИБА ВА ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ

*Ушбу рисола хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер зўравонликнинг олдини олиш самарадорлигини ўрганиш натижасида олинган материаллар тўпламидан иборатдир. Унда гендер қонунчилиги, суд амалиёти таҳлили, ижтимоий сўровлар натижалари, зўравонликнинг олдини олиш ва тажовузкорга қарши курашиш бўйича хорижий тажриба, шунингдек, гендер тенглик бўйича миллий ва хорижий экспертларнинг тавсиялари келтирилган.*

*Рисоладаги материал давлат муассасалари ва идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, экспертлар, нодавлат ношижорат ташкилотлар, экспертлар ва бошқа манфаатдор шахслар учун мўлжалланган.*

Мақсуд нашр АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида яратилган. Махсулот мазмунини бўйича масъулият Tetra Tech DPK га юклатилади ва USAID ёки АҚШ ҳукумати расмий нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.

### **Муаллифлар:**

- Камола Алиева** Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, гендер тенглик бўйича мутахассис, Тошкент давлат юридик университети доценти в.б.
- Дильбар Рашидова** Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва маърифат бўлими бош мутахассиси
- Марина Чохели** “Грузия Очиқ жамият институти” дастури координатори, адвокат
- Минавар Рахимова** USAIDнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотлар дастурининг гендер ва ижтимоий интеграцияси бўйича бош мутахассиси

### **Тақризчилар:**

- Лола Саидова** ю.ф.д., Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази “Оммавий-ҳуқуқий фанлар” кафедрасининг профессор вазифасини бажарувчиси, профессор
- Сайёра Ходжаева** ю.ф.н., “Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти” директори

Рисола USAIDнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотлар дастури доирасида [Nemolchi.uz](http://Nemolchi.uz) лойиҳасининг ахборот кўмагида тайёрланган.

# МУНДАРИЖА

<b>МУҚАДДИМА</b> .....	<b>7</b>
<b>I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР</b> .....	<b>8</b>
<b>II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК МАСАЛАЛАРИ</b> .....	<b>15</b>
Маиший зўравонлик муаммоси тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ижтимоий сўров натижалари.....	15
Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши кураш бўйича миллий қонунчиликдаги бўшлиқлар.....	25
Маиший зўравонликдан жабрланувчиларнинг одил судловга эришиши / адлия тизимининг гендер сезувчанлиги.....	30
<b>III. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ</b> .....	<b>38</b>
Гендер зўравонликнинг олдини олиш бўйича Қозоғистон тажрибаси.....	38
Грузия адлия тизимида гендер зўравонликнинг олдини олиш амалиёти.....	42
Украинада гендер сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.....	45
Гендер зўравонликнинг олдини олиш бўйича Полша тажрибаси.....	50
<b>IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ СИТУАЦИОН ТАҲЛИЛИ</b> .....	<b>53</b>
<b>V. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР</b> .....	<b>68</b>
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	<b>73</b>
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	<b>75</b>
1-илова. Гендер тенглигини таъминлаш ва барча аёллар ва қизларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш.....	77
2-илова. Маиший зўравонлик ҳақида сўровноманинг натижалари.....	78
3-илова. Зўравонликка содир бўлган шахсларнинг сўров натижалари.....	88
4-илова. ННТ вакиллари учун сўров натижалари.....	91
5-илова. 2021 йил 12 ойида ҳимоя ордери берилган хотин-қизлар тўғрисида.....	95
6-илова. Тажовузкорлар учун тузатиш дастури.....	98



Мазкур тўплам муаллифлар гуруҳининг илмий тадқиқот иши бўлиб, унда Ўзбекистоннинг гендер тенглигига эришиш ва зўравонликнинг олдини олиш борасидаги сиёсатининг асосий йўналишлари акс эттирилган. Иш 102 бетдаги муқаддима, беш бўлим, адабиётлар рўйхати, 6 та иловадан иборат.

Биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикасида гендер тенглиги бўйича ҳуқуқий ислохотлар кўриб чиқилган. Гендер тенглиги соҳасидаги қонунлар ва қарорлар, давлат органлари, хусусан, Оила ва хотин-қизлар масалалари қўмитаси, Комиссияси, Хотин-қизларни реабилитация ва мослаштириш марказининг вазифалари баён этилган. Тадқиқотнинг марказий қисмини оилавий зўравонлик муаммоси тўғрисидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ижтимоий сўров натижалари таҳлил қилинадиган иккинчи бўлим эгаллайди.

Тадқиқотдан маълум бўлишича, учта сўровнома ўтказилган ва унда ҳаммаси бўлиб 300 га яқин кишининг фикри сўралган. Сўров натижалари жамиятнинг зўравонлик турлари, зўравонлик, айниқса, оиладаги зўравонлик сабаблари, зўравонликдан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш масалаларидан хабардор эканлигини кўрсатади.

Олинган натижалар муаллифлар томонидан сифатли таҳлил қилинган, уларни бартараф этиш бўйича жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, содир этилган зўравонлик учун жавобгарликни кучайтириш каби чора-тадбирлар таклиф қилинган. Ички ишлар вазирлигидан олинган 24-бетда келтирилган жадвалда зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишларининг динамикаси кўрсатилган. Муаллифлар томонидан, шунингдек, оилавий зўравонликдан жабрланганларнинг одил судловга эришиш масалалари ўрганиб чиқилган, 28–35-бетларда республика бўйлаб кўриб чиқилган жиноят ишларининг Жиноят кодексининг моддалари бўйича рақамли динамикаси келтирилган.

Учинчи бўлимда муаллифлар гендер зўравонликнинг олдини олиш бўйича баъзи хорижий мамлакатларнинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида қисқача маълумот келтирадилар. Тадқиқот Қозоғистон, Грузия, Украина ва Польша тажрибасини қамраб олди. Хорижий мамлакатлар тажрибасининг баён этилиши қонунчилигимизни гендер зўравонликка барҳам бериш масалаларида келгусида такомиллаштириш учун жуда фойдали таққослаш имконини беради.

Тўртинчи бўлимда Ўзбекистондаги гендер тенглиги тўғрисидаги қонунчиликнинг ситуацион таҳлили ёритилган. Таҳлиллар асосида амалиётни такомиллаштириш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тавсиялар 67–71-бетларда гуруҳларга ажратиб берилган. Тадқиқотчилар ҳуқуқий таърифлар ва атамаларга аниқлик киритишни, шунингдек,

қўллаш нуқтаи назаридан уларни батафсил шарҳлашни таклиф қиладилар. Шу билан бирга, зўравонликнинг турли шакллари махсус моддада акс эттириш ва уларга нисбатан аниқ санкция ва жазоларни белгилаш таклиф этилмоқда, бу эса ҳозирги даврда жуда долзарбдир. Шунингдек, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш бўйича қўллаб-қувватлаш хизматини кучайтириш, зўравонлик шакллари жиноий моҳиятидан аҳолининг хабардорлигини ошириш, оиладаги зўравонликни қўзғатган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликни жорий этиш бўйича тавсиялар ва бошқа таклифлар ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тўпلامнинг иловаларида жадвалли инфографикада тадқиқот сўровлари натижалари акс эттирилган.

Умуман олганда, тўпلامда Ўзбекистонда гендер масалаларини ҳал этишни такомиллаштиришга қаратилган катта ахборот-маърифий материаллар тақдим этилган ва у нашр этишга тавсия этилиши мумкин. Тўпلام, шунингдек, мутахассислар, ҳуқуқшунослар, олимлар ва кенг жамоатчилик томонидан фойдаланиш учун тавсия этилиши мумкин.

**Л. А. Саидова**

Юридик фанлар доктори,  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Юристар малакасини ошириш маркази  
“Оммавий-ҳуқуқий фанлар” кафедрасининг  
профессор вазифасини бажарувчиси



Мазкур иш хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер зўравонлигининг олдини олиш самарадорлигини ўрганиш натижасида олинган материаллар тўпламидан иборатдир. Унда гендер қонунчилиги, суд амалиёти таҳлили, ижтимоий сўровлар натижалари, зўравонликнинг олдини олиш ва тажовузкорга қарши курашиш бўйича хорижий тажриба, шунингдек, гендер тенглиги бўйича миллий ва хорижий экспертларнинг тавсиялари келтирилган. Гендер тенглиги муаммоси нафақат Ўзбекистонга хос муаммодир.

Афсуски, замонавий дунёда гендер тенглик кўпроқ бутун цивилизациялашган жамият ҳали-ҳануз интилаётган идеал ҳолатдир. Жамиятнинг барча жабҳаларида гендер тенглик учун узоқ йиллар давом этган кураш, масалан, Ўзбекистонда ўз самарасини бермоқда.

2019 йилнинг сентябрь ойида мамлакатимиз Президентининг сиёсий иродаси туфайли “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги гендер масалаларига қаратилган қонунлар қабул қилинди. Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг никоҳ ёши белгиланди, хотин-қизларнинг меҳнат фаолиятининг илгари тақиқланган шакллари танлаши билан боғлиқ чекловлар ва меҳнат қонунчилигининг бошқа гендер-ассиметрик қоидалари бекор қилинди.

Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистонда гендер тенгликни ўрганишда муҳим тажриба ҳисобланади. Қўлланмада гендер тенглиги соҳасидаги билим ва малакаларни шакллантириш муаммолари жаҳон тараққиёти, жаҳон тажрибаси ва миллий тарих шароитида кўриб чиқилган.

Шубҳа йўқки, қўлланма давлат муассасалари ходимлари, талабалар ва бошқаларнинг билимларини кенгайтиради.

Қўлланма гендер тенглиги масалалари эволюцияси, тарихий ва маданий ўтмишга назарни, назарий ва амалий жиҳатларни ўз ичига олган.

Қўлланма мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган демократик жараёнлар шароитида катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

**С. Ходжаева**

Юридик фанлар номзоди,  
“Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти” директори

# МУҚАДДИМА

---

Бугунги кунда гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтириш учун шарт-шароит яратиш янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир.

Мамлакатимиз раҳбариятининг ташаббуси ва, таъкидлаб ўтиш лозимки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 июн куни Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи мазкур масалаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим таянч нуқтаси бўлди.

“Мени онгимизда чуқур илдиз отган бир ақида кўп ўйлантиради. Биз доимо аёл – бу она, оиламиз бекаси, деб уларни улуғлаймиз. Бу тўғри, албатта. Аммо ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг қузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт”.

Сўнгги пайтларда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини ошириш бўйича ишлар қуйидаги бир нечта йўналишда амалга оширилмоқда:

- хотин-қизлар ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;
- хотин-қизларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш;
- гендер тенглик ва хотин-қизлар ҳуқуқлари тўғрисида жамоатчилик хабардорлигини ошириш;
- қонунларни қўллаш амалиётида уларнинг бажарилишини таъминлаш учун тегишли ҳуқуқий нормалар асосида масъул шахсларни ўқитиш.

Ўтган беш йилда бу борада 25 та қонун ҳужжати, жумладан, 4 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 та фармон ва қарори, ҳукуматнинг 17 та қарори қабул қилинди.

Масаланинг муҳим томони шундаки, БМТ Конвенциясига мувофиқ қабул қилинган янги ташкил этилган барча институционал механизмлар хотин-қизлар ҳуқуқлари, гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларга нисбатан камситишларга барҳам беришнинг узвий ва ягона механизмини ифодалайди.

Бу хатти-ҳаракатларнинг барчаси – қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирлар – қонун ижодкорлиги норма ва стандартларига ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига мос келувчи Ўзбекистон гендер сиёсатини амалга оширишда муҳим қадам бўлмоқда.

# I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР

---

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябр ойида бўлиб ўтган БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича саммитида қабул қилинган 70-сонли резолюциясига мувофиқ, шунингдек, БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Глобал кун тартиби Барқарор ривожланиш мақсадларини (кейинги ўринларда БРМ) изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида 2018 йилнинг 20 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Барқарор ривожланиш соҳасидаги 16 та миллий мақсад ва улар билан боғлиқ бўлган 127 та вазифа тасдиқланди.

Бешинчи мақсад (гендер тенглиги тўғрисида) вазифаларига мувофиқ 2030 йилга бориб ҳамма жойда барча аёллар ва қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида хотин-қизларнинг тўлиқ ва самарали иштирок этиши ҳамда уларга етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, қайд этилган мақсад бошқарувнинг турли даражаларида давлат дастурларини қабул қилиш жараёнига гендер тенглиги тамойилларини тўлиқ жорий қилишни назарда тутди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун тўққизта вазифа ишлаб чиқилган:

- ҳамма жойда барча аёллар ва қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш, шу жумладан, билвосита камситишларга барҳам бериш тамойилларини қонунчиликка киритиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали татбиқ этиш;
- хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари, шу жумладан одам савдоси, жинсий ва бошқа эксплуатация шакллари йўқ қилиш;
- эрта ва мажбурий никоҳларга йўл қўймаслик;
- миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, коммунал хизматлар, инфратузилма ва ижтимоий ҳимоя тизимларини таъминлаб ва уй хўжалигини юритишда ва оилада умумий масъулият тамойилини қўллаб-қувватлаб, ҳақ тўланмайдиган парварош ва уй хўжалигини юритиш ишларини тан олиш ва қадрлаш;
- хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида тўлиқ ва самарали иштирок этишини ҳамда уларга етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш;



- репродуктив саломатлик соҳасида кенг қамровли тиббий-санитария ёрдами учун соғлиқни сақлаш хизматлари билан ялпи қамровни таъминлаш;
- хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришда қўллаб-қувватлаш дастурларини кенгайтириш;
- хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш учун юқори самарали технологиялар, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фаолроқ фойдаланиш;
- бошқарувнинг турли даражаларида давлат дастурларини қабул қилиш жараёнига гендер тенглиги тамойилларини тўлиқ интеграция қилиш.

2017–2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда хотин-қизлар учун янги имкониятлар пайдо бўлди, унга кўра хотин-қизларнинг таълим даражаси ва иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтириш бўйича давлат сиёсати янада такомиллаштирилмоқда. Президентнинг 15 дан ортиқ фармони, қарори, ҳукумат қарорлари, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда олиб бориладиган 20 дан ортиқ тадбирлар режасида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган. 2022 йилнинг январ ойида Президентнинг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2019 йилнинг сентябр ойида **“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш”, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”** каби гендерга оид қонунлар қабул қилинди. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг никоҳ ёши белгиланди, хотин-қизларнинг меҳнат фаолиятининг илгари тақиқланган турларини танлаши билан боғлиқ чекловлар ва меҳнат қонунчилигининг бошқа гендер-ассиметрик қоидалари бекор қилинди.

2019 йил охирида бўлиб ўтган парламент сайлови якунларига кўра, биринчи марта хотин-қизлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 32%, Сенат аъзоларининг 25% ташкил этди. Бугунги кунда Қонунчилик палатасида аёл депутатлар 42 нафарни, Олий Мажлис Сенатида эса аёл сенаторлар 17 нафарни ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон **50 та етакчи давлат (190 та давлат ичида) қаторидан** жой олди. Бугунги кунда маҳаллий кенгашлар депутатларининг 23 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этади, 1400 нафарга яқин хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида ишлайди (1-иловага қаранг).

Мамлакатда аҳолининг давлат томонидан олиб борилаётган гендер сиёсатидан хабардорлигини ошириш борасида кенг қўламли тушунтириш ишларини олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда. Таълимнинг барча даражадаги ташкилотларида халқаро стандартлар ва гендер қонунчилиги ўргатилади, эркаклар ва аёлларнинг анъанавий роллари ҳақидаги стереотип тасаввурларни ўзгартириш учун катталар ва болаларга мўлжалланган тренинглар, семинарлар учун ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Қонун ҳужжатларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларининг гендер тенглиги тамойилларига номувофиқлигини бартараф этиш, уларни қўллаш жараёнида камситиш характеридаги юзага келиши мумкин бўлган хавфларни аниқлашга қаратилган мажбурий гендер-ҳуқуқий экспертизаси жорий этилди.

Нафақат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари, балки бошқа давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ҳам тайёрланган лойиҳаларни кенг профессионал ва жамоатчилик

муҳокамасига қўйиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг ягона электрон тизими ишга туширилди.

Президент фармонлари ва Ҳукумат ҳужжатларига мувофиқ хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва оиладаги зўравонликнинг олдини олиш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш, эскирган ақида ва урф-одатларга қарши курашиш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.

2020 йилда фаолиятининг устувор йўналишларидан бири хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўлган **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** ҳамда унинг минтақалардаги ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимларнинг хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича маслаҳатчилари тайинланди.

**9 минг 255 та маҳаллада** маҳалла раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди.

2021 йилнинг май ойида **2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ва уни 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар** тасдиқланди. Гендер тенглигига эришиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда, давлат хизмати, таълим, фан, спорт ва соғлиқни сақлашда, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда, оилавий муносабатларда ва болаларни тарбиялашда аёллар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш белгиланди. Гендер режалаштириш ва бюджетлаштириш, гендер статистикасини юритишни такомиллаштириш асослари белгилаб берилди.

Республикада хотин-қизларнинг мавқеини яхшилашнинг миллий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда:

- Олий Мажлис Сенати Раиси раҳбарлик қилувчи **Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия** тузилди;
- парламентнинг юқори палатасида **Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси** ташкил этилди. 2019 йилнинг август ойидан ўз фаолиятини бошлаган Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси [www.gender-platform.uz](http://www.gender-platform.uz) веб-сайти асосида Хотин-қизларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида иштирокини қўллаб-қувватлаш ва шароитлар яратиш миллий платформасини амалиётга татбиқ этди, Гендер тенглиги стратегиясини тайёрлади, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш” қонунларини аҳоли ўртасида ўрганиш бўйича кенг ахборот кампаниясини ўтказди. Бундан ташқари, Қўмита Оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича комиссия билан биргаликда хотин-қизларнинг 150 дан ортиқ мурожаатини кўриб чиқди, шунингдек, Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида конвенциянинг ижросига бағишланган парламент эшитувларини ўтказди ва хоказо;
- 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни назорат қилиш бўйича **Парламент комиссиясининг** тизимли иши ташкил этилди, бунда бешинчи мақсад гендер тенгликка эришиш вазифаларига бағишланган;
- **Республика жамоат хотин-қизлар кенгаши** тузилди, унинг асосий вазифаларидан бири аёллар ва қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда

Конвенция қоидаларини бажариш ва Пекин ҳаракатлар платформасини амалга оширишни мувофиқлаштиришдан иборатдир.

- 2022 йилнинг март ойида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги қайта ташкил этилди ва **Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси** ташкил этилди, унинг устувор йўналишларидан бири хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлашдан иборатдир;

**Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси** ташкил этилди, у хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оилавий ва хусусий тадбиркорлик, хунармандчиликни ташкил этишда иштирок этиши, меҳнат бозорида талаб катта бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашига кўмаклашишга қаратилгандир.

**Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси** ташкил этилди, у барча ҳудудларда хотин-қизларнинг ҳаётий муаммоларини ўрганади ва аниқлайди, қашшоқликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича ишларни ташкил этади.

COVID-19 оқибатларини юмшатиш ва оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган аёлларни аниқлаш, уларга индивидуал ёрдам кўрсатиш мақсадида 2020 йилнинг ноябр ойидан бошлаб **“Аёллар дафтари”** ва **“Ёшлар дафтари”**ни юритиш йўлга қўйилди. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга ҳар томонлама кўмак кўрсатилмоқда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун имтиёзли кредитлар, шунингдек, уй-жой ижараси, уй-жой субсидиялари берилмоқда ва бошқа тиббий, психологик, ҳуқуқий хизматлар кўрсатилмоқда.

Хотин-қизлар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг молиявий кўмагида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига мансуб аёллар: ногирон болаларнинг оналари, кам таъминланган оилалар, тўлиқ бўлмаган оилаларда бола тарбиялаётган аёллар, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож аёллар арзон уй-жой билан таъминланмоқда.

Масалан, **2018–2021 йилларда 4878 нафар аёлга уй-жой сотиб олиш учун 112 миллиард сўмдан** ортиқ миқдордаги дастлабки тўловлар тўлаб берилди.

**1383 нафар** ногиронлиги бўлган аёл қиймати **1,2 миллиард сўмдан** ортиқ бўлган реабилитация воситаларини олди.

**150 нафар аёлга** мураккаб операциялар ўтказилди ва улар тўлақонли фаол ҳаётга қайтди.

Ўтган 4 йилда **620,2 минг нафардан ортиқ хотин-қиз** иш билан таъминланди (шундан 90,0 минг нафари оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолганлар), **106,0 минг нафар хотин-қизга** хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмак кўрсатилди.

Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятига ўргатиш тизими ва тадбиркор хотин-қизларни имтиёзли кредитлаш жорий этилди.

**2021 йилда** жамғарма маблағлари ҳисобидан **6,5 минг нафар хотин-қизга 122 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.**

Пандемияга қарамай, тадбиркор хотин-қизлар сони **2744 нафарга ошиб, 172,7 минг нафарни ташкил** этди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2-сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни доирасида хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун жавобгар ваколатли

органлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ички ишлар органлари, меҳнат органлари, давлат таълим бошқаруви органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари белгилаб кўйилган.

Ички ишлар органларининг асосий вазифаси тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, шу жумладан, уларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш, хотин-қизларга тазйиқ ўтказадиган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам равишда профилактика ишларини олиб боришдан иборатдир. Шунингдек, ички ишлар органлари хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ёки уларни амалга оширишга таҳдид қилиш ҳақидаги барча муурожаатларнинг кўриб чиқилишини таъминлайди.

Қонунга мувофиқ, тазйиқ ёки зўравонликдан жабрланувчига ҳимоя ордери берилади, зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахс эса зўравонлик хулқ-атворини ўзгартиришга ва ижтимоий ҳаётга мослашишга қаратилган тарбиявий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олган тузатувчи дастурдан ўтади.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати тизимида янги бўлинма – Хотин-қизлар муаммолари билан ишлаш бошқармаси ташкил этилди, унинг асосий вазифаси хотин-қизларнинг, айниқса, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, зўравонликдан жабр кўрган аёлларни аниқлаш ва уларга ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

**Маълумот учун:** *бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида 349 нафар аёл инспектор фаолият юритмоқда.*

2020 йилнинг 16 июлида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш комиссиясининг қарори қабул қилиниб, унда Гендер зўравонликка қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларини кўрсатишнинг стандарт операцион тартиб-қоидалари тасдиқланди, шунингдек, гендер зўравонликдан жабрланувчиларга ҳуқуқий, тиббий, ижтимоий ва психологик ёрдам сифатини ошириш учун ишлаб чиқилган стандарт тезкор чора-тадбирлар ва намунавий тезкор тартиб-қоидалар мажмуаси қабул қилинди.

Хотин-қизларга нисбатан шилқимлик ва зўравонликнинг олдини олиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тазйиқ ва (ёки) зўравонлик содир этган ёки уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 206<sup>1</sup>-модда киритилди. 2021 йилда Ички ишлар вазирлиги томонидан 206<sup>1</sup>-модда санкцияси билан белгиланган жарималар миқдорини базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача оширишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш ва уларни мақсадли қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йил 19 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида **Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика маркази ҳамда унинг 28 та** (14 та вилоят ва 14 туманлараро) ҳудудий бўлинмаси ташкил этилди (Зўрлик

ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази негизида, мавжуд 197 та Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларини оптималлаштириш ҳисобига).

Қуйидагилар Марказларнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, шунингдек ўз жонига қасд қилган ёки шунга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилиш тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш;
- оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлашга кўмаклашиш;
- давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хотин-қизларнинг ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини ўрганиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, ўз жонига суиқасд қилган хотин-қизларни нормал ҳаётга қайтариш бўйича фаолиятига яқиндан кўмаклашиш;
- “Аёллар дафтари”га киритилган психологик ва ҳуқуқий маслаҳатга муҳтож хотин-қизларни (тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни “Аёллар дафтари”дан чиқариш чораларини кўриш;
- низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўравонликни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва уларга барҳам бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар билан профилактик тадбирларни ўтказиш;
- оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва маиший зўравонликка дуч келган хотин-қизларни касб-хунарга йўналтиришга кўмаклашиш;
- долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ижтимоий тадқиқотларни ташкил этиш;
- зўравонликнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, ушбу мақсадларда оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларидан кенг фойдаланиш.

2021 йилда Марказлар томонидан 7869 нафар аёл ва қизга ёрдам кўрсатилди.

**Маълумот учун:** 2021 йилда ички ишлар органлари ходимлари томонидан оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган 328 нафар хотин-қиз марказларга юборилди; 2020 йилда 289 нафар хотин-қиз юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти томонидан 2021 йилда ички ишлар органлари ходимларининг хотин-қизларни ҳимоя қилиш, жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига тоқат қилмаслик соҳасидаги ваколатларини ошириш мақсадида 14 та тематик тадбир ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, психологик ва ижтимоий хизматлар соҳаларидаги тренерлар учун гендер зўравонликка нисбатан стандарт тезкор жавоб чораларини қўллаш бўйича семинарлар ўтказилди.

Вазирлик ҳузурида 1146 қисқа рақамли “Call-center” ишга туширилди. 2021 йил мобайнида ушбу рақамга жисмоний ва юридик шахслардан хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқ ҳолатлари юзасидан 11 337 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улар ўз вақтида кўриб чиқилди ва тегишли чоралар кўрилди.

2022 йил январ ойидан Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги томонидан фуқаролардан маиший зўравонлик ҳолатлари бўйича мурожаатларни қабул қилиш ва зудлик билан чора кўриш мақсадида “1259” ишонч телефони ишга туширилди. Ушбу линия орқали кечаю-кундуз хизмат кўрсатилади, бир марталик юридик маслаҳатлар, психологик ёрдам ва бошқа амалий маслаҳатлар берилади.

## II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОТИН- ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК МАСАЛАЛАРИ

---

### Маиший зўравонлик муаммоси тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ижтимоий сўров натижалари

Давлат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар, фаол гендер сиёсати ва қабул қилинган гендерга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қарамай, Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳамон сақланиб қолмоқда ва катта ташвиш туғдирмоқда, стигматизация ва маиший зўравонликдан хабарсизлик ҳали ҳамон кенг тарқалган.


Бугунги кунга келиб ушбу мавзу бўйича қонунчиликдаги муаммолар ва уларнинг ижросидаги муаммолар, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари бўйича одил судловга эришишдаги муаммолар, кун тартибидagi асосий масалалардан бири бўлган одамлар онгидаги муаммолар мавжуд.

Ушбу муаммони таҳлил қилиш мақсадида мамлакатимиз аҳолисининг маиший зўравонлик ҳолатларидан хабардорлигини ўрганиш, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини амалга оширишдаги муаммоларни аниқлаш, уларнинг одил судловдан фойдаланиш даражасини ўрганиш мақсадида бир қанча ижтимоий сўровлар ўтказилди (2-иловага қarang).

Аҳолининг оиладаги зўравонлик муаммосидан хабардорлигини ўрганишга қаратилган биринчи тадқиқот доирасида барча ҳудудларда, шаҳар ва қишлоқ жойларида яшовчи турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари бўлган 18 ёшдан ошган 129 нафар фуқаро иштирок этди ва уларнинг 78,3% хотин-қизлар ва 21,7% эркаклар ташкил этди. Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 93% Ўзбекистонда маиший зўравонлик муаммоси бор, деб ҳисоблайди. Умуман олганда, респондентларнинг ишончи комилки, хотин-қизлар (96%), болалар (69,6%), оиладаги ногиронлиги бор шахслар (36%), қариялар (25,6%), эркаклар (8, 8%) ва бошқа оила аъзолари маиший зўравонликка энг кўп дучор бўлишади. Маиший зўравонликнинг асосий сабабларига келсак, сўров натижаларига кўра (респондентларга бир вақтнинг ўзида бир нечта жавоб вариантини танлаш имконияти берилган эди), респондентларнинг 80% илм ва маданиятнинг пастлигини, оилавий ҳаётга

қариндошларнинг аралашини (61,6%), оиладаги молиявий муаммоларни (60,8%), болаликда маиший зўравонликка қўл уриш анъаналарини (59,2%), ишсизлик, ижтимоий тартибсизликни (56,8%), алкоголизмни (53,6%), эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлигини (50%) қониқарсиз яшаш шароитларини (40,8%), мамлакатдаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятни (40%), жамиятдаги тажовузкорликнинг юқори даражасини (36,8%), гиёҳвандликни (34,4%), зўравонликка генетик мойилликни (31,2%) ва бошқаларни сабаб деб ҳисоблайдилар.

Сизнингча, оиладаги зўравонликнинг асосий сабаблари нимада? (бир нечта жавоб бўлиши мумкин) / Какovy на ваш взгляд, основные причи...силы в семье? (может быть несколько ответов)  
 129&nbsp;ответов




Шуни қўшимча қилиш керакки, юқорида тилга олинган сабаблардан ташқари кўпинча маиший зўравонлик ҳолатларида жамият зўравонлик содир этган шахсларни эмас, балки жабрланувчининг ўзини айблайди. Аҳоли орасида хотин-қизларнинг ўзлари зўравонликни “қўзғатади” ёки унга “лойиқ”, шунингдек, эр ва хотин ўртасидаги “жанжал” оилавий ҳаётнинг табиий бир қисми деган фикр кенг тарқалган. Ижтимоий тармоқларда аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликни муҳокама қилиш кўпинча айрим одамларнинг бир таҳлитдаги кескин ва холис бўлмаган шарҳларига сабаб бўлади ва улар ҳам кўпинча жабрланувчининг ўзини айблашга – такрорий виктимизацияга (*виктимблейминг* - жабрланувчини айблаш) қўл урадилар.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2-сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида “**жинсий зўравонлик**”, “**жисмоний зўравонлик**”, “**иқтисодий зўравонлик**”, “**психологик зўравонлик**”, “**тазйиқ**” каби ва бошқа тушунчалар мустаҳкамланган. Бу тушунчаларни қонунда мустаҳкамлаб қўйиш билан бирга, бугунги кунда республикада аҳолининг хабардорлигини ошириш ва оиладаги зўравонликка нисбатан мурасасизликни шакллантириш борасида фаол маърифий ишлар олиб борилмоқда. Маиший зўравонликка қарши тўлиқ ва ҳар томонлама кураш олиб бориш учун аҳолининг оиладаги зўравонликнинг айрим турларини ўз вақтида аниқлашга ўргатиш орқали билимини ошириш зарур. Ўтказилган тадқиқотда биз респондентлардан яқин кишининг қайси хатти-ҳаракатларини маиший зўравонлик деб ҳисоблашларини кўрсатишни сўрадик (респондентларга бир вақтнинг ўзида бир нечта жавоб вариантларини танлаш имконияти берилди). Сўров шуни кўрсатдики, фуқароларнинг аксарияти томонидан (78,4%) бақриш, таҳдид ва қўрқитиш




маиший зўравонлик шакли сифатида баҳоланади, бундан ташқари, калтаклаш, уриш, соч юлиш (74%), болаларни сабабсиз қаттиқ жазолаш, болаларни калтаклаш (72,8%), камситиш ва ҳақорат қилиш (70,4%), итариш, чимчилаш, қўлларини буриш (64%), жинсий зўравонликни намоён қилиш (64%), ишлашни (иш қидиришни), ўқишни ёки ўзини касбий жиҳатдан ривожлантиришни тақиқлаш (59%), дўстлари ва қариндошлари билан учрашишни тақиқлаш, улар билан мулоқот қилишга тўсқинлик қилиш (57,6%), пулларини олиб қўйиш, шахсий пулларини мустақил ишлатишни тақиқлаш (57,6%) ҳам оиладаги зўравонлик кўриниши сифатида қабул қилинади.

Яқинингизнинг қайси хатти-ҳаракатларини оиладаги зўравонлик деб ҳисоблайсиз? (бир нечта жавоб бўлиши мумкин) / Укажите, какие д...шнее насилие? (может быть несколько ответов)  
 125&nbsp;ответов




Юқоридаги жавобларга асосланиб, респондентларнинг катта қисми юқоридаги ҳаракатларни зўравонлик кўриниши сифатида тўғри аниқлай олади, деган хулосага келишимиз мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларига кўра, фуқароларнинг 84,8% оилада (масалан, қариндошлар, ҳамкасблар, танишлар ва бошқалар орасида) маиший зўравонлик ҳолатлари содир бўлганлигидан хабардор эканлиги маълум бўлди.



Сўров шуни кўрсатдики, респондентларнинг 61,2% маиший зўравонликка дучор бўлган уларга таниш одамлар ёрдам сўраб мурожаат қилган экан. Одатда, маиший


зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар берилмайди ва хотин-қизлар кўпинча жазоланишдан, ижтимоий стигмадан қўрқиб, эрларига иқтисодий ва моддий қарамлиги ёки ўз ҳуқуқларини билмасликлари сабабли милицияга мурожаат қилмайди.



Тадқиқот шуни кўрсатдики, респондентларнинг 64% ёрдам сўраб дўстлари ва қариндошларига, 28% милиция, прокуратура, судга мурожаат қилган, 17% ижтимоий ходимлар ва психологларга мурожаат қилган, 5,6% ишонч телефони орқали, 4,8% ихтисослаштирилган инқироз марказига ёрдам сўраб мурожаат қилган ва бошқалар.


Агар мурожаат қилишган бўлса, кимларга? (бир нечта жавоб бўлиши мумкин) / Если обращались, то куда? (может быть несколько ответов)

125&nbsp;ответов



Юқоридаги натижаларга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкинки, бундай вазиятларда маиший зўравонлик қурбонларининг катта қисми одатда дўстлари ва қариндошларига мурожаат қилади. Шундай савол туғилади: одамлар бундай вазиятларда ёрдам сўраб қаерга мурожаат қилиш мумкин эканлигини қай даражада билишади? “Сиз оиладаги зўравонликдан жабрланган одамларга ҳақиқатан ҳам ёрдам кўрсатадиган қандайдир давлат муассасалари, ижтимоий хизматлар, инқироз марказлари, жамоат ташкилотлари, ишонч телефонларини биласизми?” деган саволдан шу нарса аниқландики, респондентларнинг аксарияти (52,8%) бу маълумотдан хабардор эмас экан. Шундан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик


содир этилган ҳолатларда ҳимоя олиш тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш бўйича маърифий ишлар қониқарсизлигича қолмоқда.



Иккинчи ижтимоий сўров “Nemolchi.uz” сайтининг ахборот кўмагида оилавий зўравонликка дуч келган шахслар ўртасида ўтказилди (3-иловага қаранг).

Тадқиқотда республиканинг барча ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари бўлган 18 ёшдан ошган 120 хотин-қиз (93%) ва 9 нафар эркак (7%) иштирок этди. Сўров натижаларига кўра, унинг иштирокчиларининг аксарияти (79%) ўзини маиший зўравонликдан жабрланган деб билади. Тадқиқот натижаларига кўра, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар қуйидагилардир: эри, шериги, йигити (36,6%), эри, унинг қариндошлари ва қайнонаси (21,8%), ота-онаси (32,6%), бошқа қариндошлари (20%).

7. Жавобингиз “ҳа” бўлса, зўравонлик ким томонидан амалга оширилган? / Если ваш ответ “да”, кто совершил насилие?  
 129 җавоб



Маълумки, учинчи шахслар томонидан эр-хотиннинг шахсий ҳаётига аралashiш, шунингдек, эрнинг ўз хотинига нисбатан зўравонлик содир этишга провокация қилиш

ҳолатлари кенг тарқалган. 2021йилда Самарқанд вилоятида юз берган ҳақиқий воқеани мисол қилиб келтириш мумкин.<sup>1</sup>

**Самарқанд вилоятида 16 ёшли қиз отаси ва бувиси онасини “қизларни туққани” учун камситиб, у билан доимо жанжаллашгани учун уйдаги молхонада ўзини осган. Воқеадан икки соат ўтиб қизнинг онаси ўзини ўзи ўлдиради. Марҳуманинг эри ва қайнонаси ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишда айбдор деб топилди. Прокуратура вазиятдан хабардор бўлган ички ишлар бўлими, мактаб ва маҳалланинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бермоқчи.**

*“Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида 16 ёшли қиз ва унинг онаси уйдаги молхонада ўзини осган ҳолда ўз жонига қасд қилди”, — деб хабар берди “Севимли” телеканалининг “Замон” кўрсатуви.*

*Сабаб қилиб аёлнинг ўғил туғмагани учун унинг эри ва қайнонаси томонидан тизимли босим, камситиши ва куч ишлатиши кўрсатилади. Хабарда қайд этилишича, маҳалла вакиллари ва қизнинг мактабида оилада содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлганлар.*

*Марҳуманинг турмуш ўртоғи ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишда айбланиб, суд олдида ҳозир бўлди. Суд мажлисида у хотини ва онасини яраштиришга ҳаракат қилиб, бир неча бор маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилганини, бироқ раис турли баҳоналар билан учрашишдан ўзини олиб қочганини маълум қилди.*

*“2020 йилнинг ноябр ойида эркак турмуш ўртоғи яқин қариндошлари дўконидан озиқ-овқат сотиб олгани ва қарзини қайнонасининг номига ёзиб қўйишини сўраганини билиб қолади ва шунинг учун уни қўллари ва оёқлари билан уради, шунингдек, электр кабели билан калтаклайди ва буни судда тан олади. Бундан ташқари, у жавобгарликка тортилмаслик учун аёлни уйда даволанишига кўндиргани таъкидланади.*

*Аёл ва қайнона ўртасидаги сўнгги жанжал ўша йилнинг декабр ойида бўлиб ўтган. Ўшанда қайнона келинини уриб, юзига қайноқ сув қуйиб юборади”, — дейилади дастурда.*

*“У нафақат ўғлим, балки мен билан ҳам умуман келишмасди. Унинг табияти енгил эди, у доим менга қўпол муомала қилар эди. Мен нималарни бошдан кечирганимни ўзим биламан”, — деди аёл марҳум келини ҳақида.*

Отаси ва бувисининг онасига мунтазам равишда тазйиқ ўтказиши ва уни камситиши туфайли балоғатга етган қизи ўз жонига қасд қилишга қарор қилади ва ўзини осиб кўяди. Икки соатдан кейин унинг онаси ҳам унинг ёнида ўзини осди.

Эркак Жиноят кодексининг 103-моддаси 2-қисмининг “а” ва “б” бандлари (моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан/вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш) билан айбдор деб топилди ва 7 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. Унинг онасига тўрт йилга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.


Туман прокуратураси ходимининг айтишича, аёлга ҳимоя ордери берилган, бироқ у кузатувга олинмаган.

1 <https://www.gazeta.uz/ru/2021/09/22/suicide/?ref=dtf.ru#:~:text=%D0%92%20%D0%A1%D0%B0%D0%BC%D0%B0%D1%80%D0%BA%D0%B0%D0%BD%D0%B4%D1%81%D0%BA%D0%BE%D0%B9%20%D0%BE%D0%B1%D0%BB%D0%B0%D1%81%D1%82%D0%B8%2016%2D%D0%BB%D0%B5%D1%82%D0%BD%D1%8F%D1%8F.%D0%B2%D0%B8%D0%BD%D0%BE%D0%B2%D0%BD%D1%8B%D0%BC%D0%B8%20%D0%B2%20%D0%B4%D0%BE%D0%B2%D0%B5%D0%B4%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D0%B8%20%D0%B4%D0%BE%20%D1%81%D0%B0%D0%BC%D0%BE%D1%83%D0%B1%D0%B8%D0%B9%D1%81%D1%82%D0%B2%D0%B0>

Унинг сўзларига кўра, ички ишлар органлари, маҳалла раиси, унинг ўринбосари ва мактаб директорининг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилади.

Афсуски, булар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган атиги бир нечта ҳолатдир, ҳақиқатда эса жамият ва давлат эътиборидан четда қолаётган шунга ўхшаш ҳолатлар жуда кўп. Шундан келиб чиққан ҳолда, эр-хотиннинг оилавий ҳаётига аралашганлик ва маиший зўравонлик содир этишга ундаганлик учун учинчи шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликни назарда тутиш зарур.


Тадқиқот натижаларига кўра шу нарса аниқландики, унинг иштирокчиларининг аксарияти (80,6%) психологик зўравонликка, 54% жисмоний, 32,6% иқтисодий ва 21,7% жинсий зўравонликка дучор бўлган.



Сўров шуни кўрсатдики, респондентларнинг 62,1% маиший зўравонликка дучор бўлганида қуйидаги сабабларга кўра тегишли давлат органларига мурожаат қилмаган: кўркув ҳисси (19,4%), уят ҳисси (23,3%), стресс ва руҳий ҳолат (30,1%), ёшлиги, вазиятнинг жиддийлигини тушунмаслик (38,8%), ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ишонмаслик (31,1%) ва бошқалар. Маълумки, зўравонликдан жабрланганлар, одатда, “уйидан жанжални” ташқарига олиб чиқишга “журъат” қилганлари ва “оилавий масала”ни оила доирасида ҳал этмагани учун жамият томонидан кучли босимга дучор бўлади. Сўров натижалари ушбу омилар оиладаги зўравонлик ҳолатларида ёрдам сўраб мурожаат қилиш тўғрисидаги қарорга қандай салбий таъсир этишини кўрсатади.

Аммо тадқиқот шуни кўрсатдики, зўравонликдан жабрланганлар ёрдам сўраган ҳолатлар бўлган. Тадқиқот натижаларига кўра шу нарса маълум бўлдики, зўравонликдан жабрланганларнинг 27,9% маҳалла нозири ва милицияга, 13,2% маҳаллага, 3,9% прокуратура органларига, 5,4% судга, 3,9% реабилитация марказларига ёрдам сўраб мурожаат қилган. Сўровдан маълум бўлишича, ёрдам сўраб мурожаат қилганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зўравонликдан жабрланганларга нисбатан: ишончсизлик ва тушунмасликни намоиш этган (9,3%), жабрланувчини тинглашни истамаган (7%), мурожаатни қабул қилишмаган (2,3%) бошқаларга мурожаат қилишни айтишган (3,9%), ўз аризасини қайтариб олишга кўндиришган (8,5%), ёрдам олиш учун ННТларга юборишган ва бошқалар.

11. Сиз оилавий зўравонлик туфайли тегишли органларга ёрдам сўраб мурожаат қилганингизда, Сизга нисбатан қандай муноса...тилиси в соответствующие органы за помощью?  
129&nbsр;ответов



Тадқиқот хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши кураш бўйича масъул органлар томонидан кўрилатган чора-тадбирларда жиддий камчиликлар мавжудлигини аниқлади. Респондентларнинг жавобларидан баъзи мисоллар:

*“Маҳалла нозири онамни аризани қайтариб олишига жуда астойдил кўндиришига ҳаракат қилди, шундан сўнг биз яна кўрсатмаларимизни олишлари учун прокуратурага бордик, биз негадир менга тажовуз қилган одам билан бир хонада ўтирган эдик, стресс таъсирида ва ёшлигим сабабли мен йиғлаб юбордим, афтидан, прокурор учун бу ишни ёпиш учун етарли сабаб бўлди ва улар яқинлашмасликка ҳеч қандай ордер ҳам беришмади, бу одам кейинчалик ҳам бизнинг уйимизга тез-тез келиб турарди”*

*“Улар масалани, шу жумладан қозғоғда ҳам, ҳал қилаётгандек кўрсатардилар. Охир-оқибат, ҳеч нарса ҳал қилинмади. Зўравонга оғзаки огоҳлантириши берилди. Аммо иш судгача етиб бормади. Чақиринилари керак эди, лекин чақиринишмади. “Қиз бола” эмаслигимни билишигандан кейин ходимларнинг муносабати ўзгарди.*

*“Аввалига улар тушунгандек муносабатда бўлишиди, аризамни олишиди, эримнинг ўзини тажовузкорона тутгани тушган видеоёзувни олишиди, мен суд-тиббий экспертизасидан ўтганимдан сўнг, ота судланса яхши эмаслигини ва бу болаларнинг келажагига таъсир қилиши билан изоҳлаб, маҳалла нозири ярашишни қатъий талаб қила бошлади. Мен рози бўлдим. Кейин билсам, у видео ёзувни йўқ қилиш учун эримдан пул олган экан”.*

*“Идоравий ташилотлар зўравондан тўлиқ ҳимоя қилмайдилар. Психолог жабрланувчи билан ишлайди, лекин зўравон билан ҳеч қандай иш олиб борилмайди”.*

*“Маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисаси менга “оиланг учун сабр қил, у сени жуда яхши кўради, яхши йигит, бунақасини бошқа қаердан ҳам топасан”, деди.*

*“Собиқ эримга ишхонасида “хайфсан” берилди холос.”*

*“Улар: “Ўзинг айбдорсан, бориб яраш”, дейишиди.*

*“Ҳеч қандай чора кўрилмади! Ҳеч қандай ёрдам бермайдиган ҳимоя ордерлари оиладаги зўравонликнинг олдини олиш чораси эмас”.*

*“Ҳеч қандай чора кўрилмади! Нега ёлгон статистика учун оилаларни куч билан сақлашга ҳаракат қилиш керак? Шунча бахтсиз оилалар орасида рақамлар кимга керак? Рақамлар инсон тақдиридан муҳимроқ бўлиши мумкин эмас!!! Агар бир-бирини севадиган одамлар ўртасида оддий жанжал чиқса, ҳатто сиз уринмасангиз ҳам, ва боз устига, уларнинг ярашишига тўсқинлик қилишига уринсангиз ҳам, улар барибир ярашиб олишади!!!*

*Нима учун аёл чидай олмай жонига қасд қилиб ўзини ўзи ўлдиргунича кутиши керак, нима учун шундан кейин маҳалла бу аёлларнинг болаларига “кечиринг, ота-онангизни яраштириб, аёлни ўзини ўзи ўлдириши даражасига етказганлар биз бўламиз!!!”, – деб айтмайди?*

*“Нодавлат нотижорат ташиқлотлари юристлари ва психологлари чин юракдан ишладилар”.*

*“Эрим ва мен жаримага тортилдик”.*

*“Ҳимоя ордери бердилар”.*

Ўтказилган сўров респондентларнинг ҳимоя ордерларининг самарадорлиги тўғрисидаги фикрларини аниқлаш имконини берди. Респондентларнинг 50,9% бу ҳужжат уларни зўравонликдан ҳимоя қила олмаганлигини айтди. Тадқиқот давомида унинг иштирокчилари нега зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилишда ҳимоя ордерини самарасиз восита деб ҳисоблашлари тўғрисида ўз фикрларини билдирдилар:

*“Эр ҳимоя ордерининг муддати тугашини кутади, бу эса атиги 1 ой, кейин эса психологик босимни давом эттираверади”.*

*“Сен менга ҳали ордер берасанми” деб баттар жаҳли чиқиб, мен билан уриш қилди”.*

*“Бизнинг менталитетимизга кўра аёл чидаши керак деб ҳисобланади! Ва ордерларни берувчилар (бу эрда ИИВ назарда тўтилади) хотин-қизларни “ҳимоя” қилиши керак, аммо улар буни қилмайдилар, чунки улар (ИИВ) аёлни ноҳақ ва нима бўлганда ҳам у эрини кечирини ва унинг олдига қайтиши керак, деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистонда эридан ажрашган аёлнинг мақомидан фақат фоҳишанинг мақоми ёмонроқдир”.*

*“Менинг эрим жисмоний зўравонлик таҳдидларини тўхтатди, лекин у ҳали ҳам маънан босим ўтказмоқда”.*

*“Органлар эрим билан 5 ойдан бери суҳбат ўтказма олмайгани учун биз эрим билан бирга яшамаямиз”.*

Тадқиқот давомида қизиқарли тенденция аниқланди. Сўров шуни кўрсатдики, фуқароларнинг аксарияти (82,9%) маиший зўравонликдан жабрланган ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиши керак, деб ҳисоблайди, бироқ айни пайтда респондентларнинг 87,7% ишлари маиший зўравонликдан ҳимоя қилиш учун судгача етиб бормаганлиги маълум бўлди. Фуқароларнинг 12,3% ўз ишлари судгача етиб борганлигини айтди, бироқ уларни кўриб чиқишда қуйидаги ҳолатлар кузатилган: суд томонидан қоралаш, насиҳат қилиш, натижада жабрланувчида айбдорлик ҳисси қолган, жарима тўламай ярашиш, шунингдек, баъзилар судьяларнинг зўравонликдан жабрланганлар билан мулоқот қилиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтишлари зарурлиги ҳақидаги фикрни билдирдилар. Юқорида келтирилган натижаларга асосланиб, зўравонликдан жабрланганлар билан ишлайдиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, судьялар, ижтимоий хизматчилар ва бошқа шахслар мунтазам равишда аёлларга нисбатан нотўғри қарашлар ва бир таҳлитдаги фикрлашни ва маиший зўравонлик ҳодисасини бартараф этиш бўйича бир қатор ўқув дастурларида таълим олишлари керак, деган хулосага келиш мумкин.

Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 55,9% маиший зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилиш бўйича реабилитация марказлари (бошпаналар/шелтерлар) фаолиятдан хабардор, 44,1% эса уларнинг мавжудлиги ҳақида тасаввурга эга эмас. Респондентларнинг 75,3% бошпаналар ҳақида маълумотни оммавий ахборот воситалари ва интернетдан, 13% дўстлари ва танишларидан, 5,2% ёрдам сўраб мурожаат қилган аёллардан, 5,2% маҳалладан олган. Бундан ташқари, респондентлардан уларга маиший зўравонликка дучор бўлган

аёлларга айнан қандай шелтерлар ёрдам бериши маълумлиги сўралган. Сўров натижаларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги фикрлар аниқланди:

*“Юридик, психологик, ижтимоий ва иктисодий ёрдам кўрсатилди”.*

*“Ҳуқуқий, руҳий, ижтимоий, тиббий, амалий ёрдам кўрсатади”.*

*“Ҳеч қандай ёрдам бермайди. Номига очилган”.*

*“Мен улар муаммони ҳал қилишда ёрдам беришлари ва агар ҳамма нарса ёмон бўлса, аёлни вақтинча яшаши мумкин бўлган жой билан таъминлашлари кераклигини биламан”.*

*“Ҳа, улар фақат бошпана беришади, на овқат, на сув, на дори-дармонлар бор. Иш топшида ёки болаларни мактабгача таълим муассасасига жойлаштиришда ҳеч қандай ёрдам йўқ”.*


*“Ҳа, мен у ерга қўнғироқ қилдим ва психологик ёрдам беришларини сўрадим. Лекин улар ёрдам беришади, маҳаллага хабар беришлари мумкинлигини айтишди. Ўшанда мен муаммоларим ошкор бўлишини хоҳламадим”.*

*“Бошпана ва озиқ-овқат, зарур нарсалар берадилар, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар”.*

Қолганлари бошпаналар маиший зўравонликдан жабрланганларга қай тарзда ёрдам бериши тўғрисида тасаввурга эга эмасликларини айтишди.

21. Жавобингиз ҳа бўлса, бу маълумотни қаердан олдингиз? / Если ваш ответ "да", где вы об этом узнали?

77&nbsp;ответов



Жамоат фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровлар бугунги кунда мамлакатда мавжуд бўлган жуда муҳим муаммоларни очиб берди. Афсуски, гендер ролларига оид чуқур илдиз отган патриархал қарашлар ва стереотиплар туфайли бундай қарашлар Ўзбекистондаги мансабдор шахслар, шу жумладан, Ички ишлар вазирлиги ходимлари, прокурорлар ва судьялар орасида сақланиб қолмоқда. Баъзи ҳукумат вакилларининг саъй-ҳаракатларига қарамай, улар маиший зўравонликка мутлақо тоқат қилиб бўлмаслик ҳақидаги хабарни жамоатчиликка тегишли тарзда изчиллик билан етказа олмадилар, давлат оммавий ахборот воситалари эса гендер тенгсизлигини ва аёллар ҳамда қизларни “назорат қилиш” керак деган ғояни мустаҳкамловчи стереотипларни абадийлаштиришда давом этмоқда. Буларнинг барчаси зўравонлик маданияти ва жиноятчиларнинг жазосиз қолишининг умумий муҳитига ёрдам бермоқда. Натижада зўравонликдан жабрланганлар юқорида қайд этилган сабабларга кўра ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига ёрдам сўраб мурожаат қилишни хоҳламапти.



## Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши кураш бўйича миллий қонунчиликдаги бўшлиқлар

Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш мақсадида 2019 йил 2-сентябрда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, унда “жинсий зўравонлик”, “жисмоний зўравонлик”, “иқтисодий зўравонлик”, “психологик зўравонлик”, “тазйиқ”, “ҳимоя ордери” тушунчалари белгилаб берилган (3-модда).

Қонуннинг 4-моддасига кўра, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш;
- махсус марказларда, шунингдек бепул телефон линияси орқали текин ҳуқуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;
- ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисида талаб билан мурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда эса, уларни бу ҳақда хабардор қилиш;
- содир этилган тазйиқ ва зўравонликдан унга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш, шунингдек, давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Зўравонликдан жабрланувчи хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланишига сабаб бўладиган тазйиқ ва зўравонликдан давлат ҳимоясини таъминлайдиган махсус ҳужжат – ҳимоя ордерини олиш ҳуқуқига эга.

2021 йилнинг 12 ойи ичида Ички ишлар вазирлиги томонидан хотин-қизларга нисбатан 39 343 та зўравонлик ҳолати, шу жумладан, психологик зўравонлик (18 777 та ҳолат), жисмоний зўравонлик (13 658 та ҳолат), иқтисодий зўравонлик (234 та ҳолат), жинсий зўравонлик (106 та иш) ва шилқимлик ҳолатлари (7174 та) қайд этилган. Статистик маълумотларга кўра, 34 330 та маиший зўравонлик ҳолати оилада содир этилган бўлиб, уларнинг 26 667 таси эр томонидан аёлларга нисбатан содир этилган. 2020 йилга нисбатан берилган ҳимоя ордерлари сони (14774 та) икки мартадан ортиққа кўпайди, бу бир томондан хотин-қизларга нисбатан зўравонлик намоён бўлишининг кўпайганлигини, иккинчи томондан эса, ИИВ ходимлари томонидан оилада зўравонлик ҳолатларининг намоён бўлишининг олдини олишдан далолат беради. Ички ишлар вазирлигининг 2020–2021 йиллар учун ҳимоя ордерлари бўйича расмий маълумотларига кўра, ҳимоя ордерларини бериш учун тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг мос равишда 5071 ва 21947 та аризаси асос бўлган. (5-илова. 2020–2021 йилларда берилган ҳимоя ордерлари сони).

Ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш чоғида Жиноят кодексига назарда тутилган жиноят белгилари аниқланса, иш материаллари тажовузкорни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборилади. Агар зўравонлик факти мавжуд бўлса, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг бошпана бериш тўғрисидаги талабига биноан махсус марказларда ўттиз кунгача бўлган муддатга жойлаштириш таъминланади ва

зарурат туғилганда бу муддат узайтирилиши мумкин. Зўравонликдан жабрланувчи махсус марказга жойлаштирилган тақдирда, унинг иш жойи сақлаб қолинади, марказда ўтказган вақт дарсларни ўтказиб юбориш муносабати билан таълим муассасасидан ҳайдаш учун асос бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида инсоннинг ҳаётига, соғлиғига ва жинсий эркинликка тажовуз қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган, бироқ унга оиладаги зўравонлик киритилмаган. Одатда, маиший зўравонлик тўғрисидаги ишлар жабрланувчиларнинг шикоят бўйича қўзғатилиши мумкин, яъни, улар хусусий айблов ихтиёридадир. Шу муносабат билан маиший зўравонликдан жабрланувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида давлат зўравонликдан жабрланувчини моддий зарар ва маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги даъво бўйича давлат божи тўлашдан озод этди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида фақат айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосида иш юритиш қўзғатиладиган саломатлик, жинсий эркинликка қарши, никоҳга киришга мажбурлаш ёки никоҳга тўсқинлик қилиш, тухмат ва ҳақорат қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши бир қатор жиноятлар санаб ўтилган. Мазкур моддада жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятсиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт эканлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Жиноят кодексида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-модда); ўзини ўзи ўлдиришга ундаш (1031-модда); қасддан баданга шикаст етказиш (104–105, 109-моддалар); қийнаш (110-модда); ўлдириш ёки зўрлик ишлаш билан қўрқитиш (112-модда); номусга тегиш (118-модда); жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-модда); аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда); тухмат (139-модда); ҳақорат қилиш (140-модда); фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини бузиш (141-модда) учун жазо назарда тутилган. Одатда, маиший зўравонлик содир этган шахслар юқоридаги моддалар бўйича жиноий жавобгарликка тортиладилар (1-жадвалга қаранг).

Қўзғатилган жиноий ишлар сони			
ЖК моддалари	Жиноят Кодекси моддасининг номи	2020 й.	2021 й.
103- модда	Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш	32	29
103-1- модда	Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш	1	0
104– модда 1-к.	Қасддан баданга оғир шикаст етказиш	596	288
105- модда 1-к.	Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш	1618	2256
109- модда	Қасддан баданга енгил шикаст етказиш	3840	6093
110- модда	Қийнаш	42	45
112- модда	Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш	116	165
118- модда -к.	Номусга тегиш	40	75
119- модда -к.	Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш	15	19
136- модда	Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш	9	17
139- модда	Тухмат	84	132
140- модда	Ҳақорат қилиш	607	1140
141-1- модда	Фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини бузиш	13	25

(1-жадвал)

Тадқиқотимиз учун Ички ишлар вазирлиги томонидан юқоридаги моддалар бўйича расмий маълумотлар тақдим этилганига қарамай, биз уларни гендер кесимида ола олмадик. Афсуски, бу муаммо кўламини тўлиқ ва тўғри таҳлил қилиш, шунингдек, маиший зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича статистик маълумотларни ўрганишга тўсқинлик қилмоқда. gender.stat.uz веб-сайтида эълон қилинган ягона гендер кесимидаги статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118- ва 119-моддаларига тегишлидир. (2-жадвал)

Яқин шериги томонидан жисмоний ва/ёки жинсий зўравонликка дучор қилинган хотин-қизлар (15-49 ёшдаги) <sup>1</sup> (нафар)								
	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020*	2021*
Ўзбекистон Республикаси	344	252	324	268	185	185	45	94
Қорақалпоғистон Республикаси	26	27	22	20	14	5	1	4
Андижон вилояти	8	5	4	5	1	4	3	4
Бухоро вилояти	1	1	3	4	1	4	-	7
Жиззах вилояти	10	17	14	9	13	15	7	3
Қашқадарё вилояти	4	2	3	1	4	59	3	6
Навой вилояти	4	1	1	-	-	3	-	2
Самарқанд вилояти	8	5	6	7	11	42	2	8
Сурхондарё вилояти	16	18	15	13	7	9	7	3
Сирдарё вилояти	11	27	18	12	4	2	-	8
Тошкент вилояти	56	64	59	40	23	6	2	27
Фарғона вилояти	16	18	14	15	5	1	-	7
Хоразм вилояти	63	52	47	40	33	6	3	2
Тошкент шаҳри	120	13	117	100	69	17	2	11

<sup>1)</sup> Ички ишлар вазирлиги маълумоти

\* ЎЗР ЖК бўйича 118- ва 119- моддалар

(2-жадвал)

Юқорида тилга олинганидек, гендер кесимида ҳимоя ордерлари бўйича статистик маълумотларни ўрганиш натижаларига кўра, 2021 йилда эри томонидан маиший зўравонлик содир этилган аёлларга 26 667 та ҳимоя ордери берилгани ва улар ичидан 13 658 та иш жисмоний зўравонлик шаклда бўлганлиги маълум бўлди. Аммо ҳимоя ордерлари ва қўзғатилган жинсий ишлар сонини солиштириш натижасида катта фарқ аниқланди. Бундай тафовутнинг сабабига жиноятлар бўйича томонларни яраштириш амалиёти сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 66–1-моддасига кўра, соғлиқ ёки жинсий эркинликка зарар етказувчи жиноятларни содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жинсий жавобгарликдан озод қилинади. Кўпинча амалиётда маиший зўравонлик ҳолатларида ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан ҳам томонларни яраштириш кенг тарқалганлигини кузатиш мумкин. Ички ишлар вазирлигининг 2020–2021 йиллар бўйича маълумотларига кўра, маиший зўравонликдан жабрланганларга ҳимоя ордерларини бериш натижалари бўйича мос равишда 4086 ва 17012 оила яраштирилган.

Ушбу амалиёт ҳали ҳам шубҳали бўлиб қолмоқда ва кўплаб саволлар туғдиради, чунки томонларни яраштиришнинг ва тажовузкор билан ярашгандан кейин оиладаги вазиятни доимий назорат қилишнинг аниқ мезонлари мавжуд эмас. Одатда, зўравонликдан жабрланганлар оила, дўстлар ва жамият босими остида, шунингдек, стигматизация ва “ажралган аёл” тамғасини олишдан қўрққанлиги туфайли яна тажовузкор билан яшашга

рози бўлишади. Афсуски, бундай кенг тарқалган амалиёт туфайли маиший зўравонликни содир этишда айбдор бўлганлар камдан-кам ҳолларда жавобгарликка тортилади. Маиший зўравонлик жиноятларини тергов қилиш ва суд орқали таъқиб қилиш бўйича тегишли эҳтиёткорлик стандартларига риоя қилмаслик кузатилмоқда. Оқибатда хотин-қизлар етарлича ҳимояланмаяпти, аксарият ҳолларда жиноятчилар жазосиз қолмоқда.

Шуни назарда тутиш керакки, зўравонликдан жабрланувчи билан дилозорни яраштириш амалиёти, бу жараён билан маҳалла ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар шуғулланганида, зўравонликнинг давом этиши ва тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Жабрланувчининг зўравонликка дучор бўлиши давом этаверганда ва у ҳокимият органларига ишонмай қолганда, зўравон жазосиз қолаверганда жамиятда оиладаги зўравонлик жиноят эмас, деган фикр пайдо бўлади. Бундай амалиёт ўзгартирилиши керак.

Аёллар ҳуқуқлари учун кураш фаолларининг хабар беришича, самарали ҳимоянинг етарли даражада таъминланмаганлигининг фожиали оқибатлари Ўзбекистонда аёллар ва қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш даражасининг 2019 йилдаги 600 нафардан 2020 йилда 900 нафарга кўтарилганида, яъни пандемия даврида ва Ўзбекистонда вирус тарқалишининг олдини олиш учун карантин жорий этилганида хавотирли даражада ошганида намоён бўлмоқда. Асосий сабаблар оила аъзолари – турмуш ўртоқлари ёки қайнона билан низолар, узоқ вақт давомида стрессли ҳаётий вазиятда бўлиш ва бошқалардир.

Эрта турмуш қуриш ҳам оиладаги зўравонликка имкон туғдирмоқда. Оила кодексига қизлар турмуш қуриш учун 18 ёшга тўлиши шарт қилиб қўйилган бўлса-да, хабарларга кўра эрта турмуш қуриш ҳолатлари одатий воқеадир. Узрли сабаблар мавжуд бўлган тақдирда, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, боланинг туғилиши, вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалагалаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация)) никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳдан ўтишни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ ёшини (лекин бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатга) қисқартириши мумкин. Аниқ статистик маълумотларни олиш қийин, чунки ёш келинлар (15, 16, 17 ёшдаги) одатда диний никоҳ маросимлари доирасида турмуш қурадилар ва давлат рўйхатидан ўтмайдилар. Кўпинча ота-оналар ФХДЁга фақат боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини олиш керак бўлганда мурожаат қиладилар. Мамлакатда полигам (кўпхотинли) никоҳлар сонининг ошиб бориши кузатилмоқда, бундан ташқари, диний арбоблар томонидан ҳам, одамлар томонидан ҳам кўпхотинлилик очиқ тарғиб қилинмоқда. Бундай тенденция оилаларда маиший зўравонликнинг кўпайишига ҳисса қўшиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон қонунчилигида жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги боғлиқ муносабатларнинг, шунингдек, зўравонликнинг тизимли хусусиятига тааллуқли бўлган “маиший зўравонлик” тушунчасининг аниқ таърифи мавжуд эмаслиги марказий муаммолардан биридир.

2019–йилда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда “зўравонлик” аёлларга нисбатан уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан кўриқланадиган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига жисмоний, психологик, жинсий ёки иқтисодий таъсир чораларини қўллаш ёки қўллаш таҳдиди билан тажовуз қилувчи қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) сифатида оддийгина таърифланган.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда Жиноят кодексига маиший зўравонлик алоҳида жиноят сифатида мавжуд эмас. Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда маиший зўравонликнинг давомий, назорат қилувчи ва мажбурлаш хусусиятига оид қоидалар

мавжуд эмас. Масалан, қуйидаги ҳуқуқбузарликлар амалдаги қонун ҳужжатларида етарли даражада қамраб олинмаган ва шунинг учун амалда таъқиб қилинмайди: турмуш ўртоғи ёки унинг қариндошлари томонидан аёлнинг ота-онасиникига ташриф буюришини ёки ишга боришини тақиқлаш; ёки сўз билан ҳақорат қилиш, психологик зўравонликка тенг келадиган доимий психологик босим. Ваҳоланки, Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2021 йилда психологик зўравонлик содир этганлик учун жами 18 777 та ҳимоя ордери берилган экан. Қайд этиш жоизки, ушбу қилмишни содир этганлик учун фақат Жиноят кодексининг оиладаги зўравонликнинг ушбу турининг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайдиган 139-, 140-моддалари билан жинойий жавобгарликка тортилиш мумкин. (1-жадвал).

Шу сабабли Жиноят кодексига оиладаги зўравонлик билан боғлиқ алоҳида жиноят таркибини киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланади. Иқтисодий ва психологик зўравонлик Аёлларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунда эътироф этилган бўлса-да, на Маъмурий кодекс, на Жиноят кодекси билан тартибга солинади.

Бундан ташқари, қонун зўравонликдан жабрланувчиларни реабилитация ва мослашиш марказларига жойлаштиришни назарда тутлади. Жойлаштириш муддати 30 кундан иборат. Аммо амалиёт шуни кўрсатадики, баъзи зўравонликдан жабрланувчилар марказсиз муассасаларда қолиб, тузалгандан сўнг уйларига қайтар эканлар. Қонунда зўравонлик содир этган шахсни унинг мулк эгаси бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, эҳтиёт чораси ва фуқаролик муҳофазаси чораси сифатида суд қарори билан турар жойдан вақтинча чиқариб юбориш назарда тутилмаган. Бу зўравонликдан жабрланувчи бўлган аёлнинг, баъзан болалари билан, қисқа муддатга реабилитация ва мослашиш марказига жойлаштирилишига ва уйига қайтгандан сўнг янги муаммоларга дуч келишига олиб келади.<sup>2</sup> **Суд қарори бузилган тақдирда, дилозорни турар жойдан чиқариб юбориш эҳтимоли ҳақида суд томонидан огоҳлантириш каби ҳуқуқий ҳимоя механизмини назарда тутиш муҳим аҳамиятга эга.**

Дилозорнинг хулқ-атворини тузатиш дастурлари бўйича амалдаги тартиб самарали эмас, чунки Қонунда ИИБ ходими ушбу чорани зўравонликдан жабрланувчининг аризасига биноан ҳимоя ордери узайтирилгандан кейингина қўллаши назарда тутилган. Бу шуни англатадики, аёл ҳимоя ордерини олгандан кейин 30 кун мобайнида дилозор тузатиш дастурини ўтмайди. Ахлоқ тузатиш дастурларини ўташ жараёни дилозорнинг ўқиш ёки иш жойига бириктирилади, натижалари яшаш жойида маҳаллада муҳокама қилинади. Бироқ дилозорнинг хулқ-атворини профессионал равишда тузатишга қодир бўлган мутахассисларнинг йўқлиги сабабли бу жараён самарасиз ва фойдасиз бўлиб қолади. Шундай қилиб, тузатиш дастурларини расмийдан самаралига айлантириш учун уларнинг жараёнларини зудлик билан такомиллаштириш ва айбдорларга ёки зўравонликка мойил бўлган шахсларга ўз хулқ-атворларини тўғрилаш ва оилада нормал муносабатларни тиклашга ёрдам бериш зарур.

Қонун ҳужжатларида судларнинг тақиқловчи буйруқларни чиқариш ваколати кўзда тутилмаган: а) суд қарори ҳуқуқбузар томонидан бузилган тақдирда унинг мулк эгаси бўлишига қарамай, уй-жойдан кўчирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиришни ўз ичига олган таъқиб қилишни тақиқловчи буйруқ; б) яшаш қоидалари тўғрисидаги буйруқ, ва агар айбдор ўз айбига иқроор бўлса, ўз буйруғи билан қонунбузар учун ахлоқ тузатиш дастурларини тасдиқлаш. **Айбланувчининг тузатиш жараёнида эришган ютуқларини мунтазам равишда суд томонидан кўриб чиқиш тартибини жорий этиш зарур ва тузатиш дастурига тузатишлар киритиш мажбурий бўлиши керак. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги пробация хизмати тузатиш дастурлари учун масъул бўлган**

2 <https://fergana.ru/articles/111299/>

**асосий давлат органи бўлиши, ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлари эса ҳамкор сифатида жалб этилиши керак.**

Жиноят-процессуал кодексида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги ишларни тергов қилишнинг ва судда кўриб чиқишнинг назарда тутилган умумий муддати қисқартирилиши керак. Мураккаб ва узоқ давом этадиган процедуралар такрорий виктимизацияга олиб келади, уларни азоб тортишга мажбур қилади ва бундай ҳолатларнинг моҳиятини ҳисобга олмайди, бу эса жабрланувчиларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларга мурожаат қилиш истагидан қайтаради.

## **Маиший зўравонликдан жабрланувчиларнинг одил судловга эришиши / адлия тизимининг гендер сезувчанлиги**

Ўзбекистонда маиший зўравонлик тўғрисидаги ишлар камдан-кам ҳолларда судгача етиб боради. Жиноят-процессуал кодексига кўра, Бош прокуратура фақат ўрта ёки оғир, ёки ўлимга олиб келган деб баҳоланувчи баданга етказилган шикаст билан боғлиқ ишлар бўйича жиноий тақиб кўзғатиши мумкин. Бошқа барча ҳолатларда жабрланувчи хусусий айблов кўзғатишга мажбур бўлади, бу эса жабрланувчилар учун одил судлов учун жиддий тўсиқ бўлади.

Агар буни хорижий, масалан, Европа мамлакатларидаги тажриба билан солиштирадиган бўлсак, маиший зўравонлик ҳолатларида интенсив даражадаги суд жараёни соддалаштирилган. Яъни, тўлақонли суд бўлиши керак бўлган жойда оиладаги зўравонлик фақат тезлаштирилган тартибда кўриб чиқилади. Жабрланувчиларга нисбатан эса, айбдорлик презумпцияси билан эмас (сиз калтакланганингизни исботлайсиз), бу ерда зўравонга нисбатан айбдорлик презумпцияси мавжуд (сиз уни калтакламаганингизни исботлайсиз). Бу тўғри муносабат деб ҳисобланади ва муҳим профилактика чораси сифатида ишлайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, бизда оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарлик йўқ, лекин зўравон билан келишиш имконияти мавжуд (ярашиш амалиёти) ва бу омилларнинг барчаси шундайки, ваколатли шахслар ишни судга олиб келмасликдан манфаатдордир. Буларнинг барчаси зўравонликка дуч келган хотин-қизларнинг одил судловга эришиши имкони йўқлигидан далолат беради. Шунга асосланиб, хотин-қизларнинг одил судловга эришиши тўғрисидаги статистик маълумотларни олишнинг амалда имкони йўқ, чунки бу контекстда улар умуман мавжуд эмас.

Бундан ташқари, хотин-қизлар кўпинча уларнинг одил судловга эришишига тўсқинлик қилувчи ижтимоий-иқтисодий ва маданий тўсиқларга дуч келадилар. Уларни тўхтатадиган биринчи нарса ижтимоий-иқтисодий компонентдир. Маълумки, аёл эркакка жуда боғлиқдир ва қиз бола, эрга теккач, ўз оиласини тарк этади ва амалда ҳеч кимга керак бўлмай қолади. Одатда, унга нисбатан оилада зўравонлик содир этилган бўлса ҳам, у кўчада болалар билан ёлғиз қолишдан кўра сабр-тоқат қилишни танлайди. Аёлларнинг мурожаат қилмаслиги ва жим туриши эса одил судловга эришиш ва дилозорни жиноий жавобгарликка тортишга тўсқинлик қилмоқда. Шунингдек, жамиятимиздаги “жанжални уйдан ташқарига олиб чиқмаслик лозим”, “ажрашган аёллар армиясини тўлдирмаслик керак” деган маданий ва ижтимоий сабаблар ва зўравоннинг мутлақ ҳар қандай хатти-ҳаракатини кечирувчи бошқа барқарор стереотиплар ҳам тўсқинлик

қилмоқда. Қуйида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020–2021-йилларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексининг бир нечта моддалари бўйича нечта иш судга етиб борганлиги ҳақида расмий маълумотлар келтирилган. (3- ва 4-жадвал).

**2020 йил давомида** судлар томонидан хотин-қизларга нисбатан гендер зўравонлиги билан боғлиқ ишлар, шу жумладан, **МЖтК 40-моддаси** (Тухмат) бўйича оиладаги ва жинсий зўравонлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича 991 нафар шахсга нисбатан 866 та иш бўйича қарор чиқарилиб, шундан 49 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилган, 987 нафар шахсга нисбатан жарима солиш жазоси қўлланилган, 4 нафар шахсга нисбатан бошқа маъмурий жазо қўлланилган;

**МЖтК 41-моддаси** (Ҳақорат қилиш) бўйича 13 023 нафар шахсга нисбатан 9 587 та иш бўйича қарор чиқарилиб, шундан 151 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилган, 13 019 нафар шахсга нисбатан жарима солиш жазоси қўлланилган, 4 нафар шахсга нисбатан бошқа маъмурий жазо қўлланилган;

**МЖтК 52-моддаси** (Енгил тан жароҳати етказиш) бўйича 7 281 нафар шахсга нисбатан 5 968 та иш бўйича қарор чиқарилиб, шундан 34 нафарига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилган, 280 нафар шахсга нисбатан жарима солиш жазоси қўлланилган, 1 нафар шахсга бошқа маъмурий жазо қўлланилган;

**МЖтК 183-моддаси** (Майда безорилик) бўйича 12182 нафар шахсга нисбатан 10 195 та иш бўйича қарор чиқарилиб, шундан 135 нафарига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилган, 6 119 нафар шахсга нисбатан жарима солиш жазоси қўлланилган, 6052 нафар шахсга нисбатан маъмурий қамоққа олиш қўлланилган, 11 нафар шахсга нисбатан бошқа маъмурий жазо қўлланилган. (3-жадвалга қаранг).

Хотин-қизларга нисбатан гендер зўравонлик, шу жумладан оиладаги ва жинсий зўравонлик билан боғлиқ бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар статистикаси								
Кодекс моддаси	Модда номи	2020 й.	Чиқарилган қарорлар сони	Нафар шахсга нисбатан	Таркиб мавжуд эмаслиги сабабли тугатилган	Жарима кўринишидаги жазо қўлланилган	Маъмурий қамоққа олиш қўлланилган	Бошқа маъмурий жазо қўлланилган
		2021 й.						
МЖтК 40-моддаси	Тухмат	2020	866	991	49	987	0	4
		2021	1 077	1 241	51	1240	0	1
МЖтК 41-моддаси	Ҳақорат қилиш	2020	9 587	13 024	151	13 019	0	4
		2021	12 552	17 250	213	17 250	0	0
МЖтК 52-моддаси	Енгил тан жароҳати етказиш	2020	5 968	7 281	34	7 280	0	1
		2021	8 093	9 797	65	9 796	0	1
МЖтК 183-моддаси	Майда безорилик	2020	10 195	12 182	135	6 119	6 052	11
		2021	14 774	17 410	235	8 788	8 619	3

Хотин-қизларга нисбатан гендер зўравонлик, шу жумладан оиладаги ва жинсий зўравонлик билан боғлиқ бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар статистикаси								
Кодекс моддаси	Модда номи	2020 й.	Чиқарилган қарорлар сони	Нафар шахсга нисбатан	Таркиб мавжуд эмаслиги сабабли тугатилган	Жарима кўринишидаги жазо қўлланилган	Маъмурий қамоққа олиш қўлланилган	Бошқа маъмурий жазо қўлланилган
		2021 й.						
МЖТК 206-1- моддаси	Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан химоя ордери талабларини бажармаслик	2020	49	50		33	17	
		2021	567	578	11	305	273	

3-жадвал

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан **ЖК 97-моддаси бўйича** (*Қасддан одам ўлдириши*) 110 та иш бўйича 118 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва 1 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзидаги, 115 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги, 2 нафар шахсга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чоралари тайинланган;

**ЖК 103-моддаси бўйича** (*Ўзини ўзи ўлдириши даражасига етказиши*) 13 та иш бўйича 14 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва 3 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзидаги, 11 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чоралари тайинланган;

**ЖК 104-моддаси бўйича** (*Қасддан баданга оғир шикаст етказиши*) 165 та иш бўйича 178 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 4 нафар шахсга нисбатан жарима тарзида, 14 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 68 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 87 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 3 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган, 1 нафар шахсга нисбатан жазо тайинланмасдан айблов ҳукми чиқарилган, 1 нафар шахс айблов ҳукми билан жазодан озод этилган;

**ЖК 105-моддаси бўйича** (*Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиши*) 161 та иш бўйича 176 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва 5 нафар шахсга нисбатан жарима тарзидаги, 4 нафар шахсга мажбурий жамоат ишлари тарзидаги, 60 нафар шахсга ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги, 78 нафар шахсга озодликни чеклаш тарзидаги, 27 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чоралари тайинланган, 2 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган;

**ЖК 109-моддаси бўйича** (*Қасддан баданга енгил шикаст етказиши*) 397 та иш бўйича 423 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилиб, улардан 1 нафар шахс оқланган, 422 нафар шахсга нисбатан жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 51 нафар шахсга нисбатан жарима тарзида, 4 нафар шахсга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тарзида, 205 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 118 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 36 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида,



3 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган, 5 нафар шахсга нисбатан жазо тайинланмасдан айблов ҳукми чиқарилган;

**ЖК 110-моддаси бўйича** (*Қийнатиш*) 16 та иш бўйича 18 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилиб, улардан 1 нафар шахс оқланган, 17 нафар шахсга нисбатан жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 1 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 7 нафар шахсга озодликни чеклаш тарзида, 9 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида;

**ЖК 112-моддаси бўйича** (*Ўлдириши ёки зўрлик ишлатиши билан қўрқитиши*) 39 та иш бўйича 45 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилиб, 5 нафар шахсга жарима тарзидаги, 1 нафар шахсга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тарзидаги, 1745 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги, 6 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзидаги, 12 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чоралари тайинланган, 2 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм қўлланилган, 2 нафар шахсга нисбатан жазо тайинланмасдан айблов ҳукми чиқарилган;

**ЖК 115-моддаси бўйича** (*Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш*) 1 та иш бўйича 2 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чораси тайинланган;

**ЖК 118-моддаси бўйича** (*Номусга тегиш*) 126 та иш бўйича 153 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган бўлиб, улардан 1 нафар шахс оқланган, 152 нафар шахсга нисбатан жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 5 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 24 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 119 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 4 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган;

**ЖК 119-моддаси бўйича** (*Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб гайритабiiий шаклда қондириши*) 79 та иш бўйича 96 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган, шулардан 4 нафар шахс оқланган, 92 нафар шахсга нисбатан жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 1 нафар шахсга нисбатан жарима тарзида, 1 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 11 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 79 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида;

**ЖК 121-моддаси бўйича** (*Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиши*) 8 та иш бўйича 10 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган, шулардан 2 нафар шахс оқланган, 8 нафар шахсга нисбатан жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 1 нафар шахсга нисбатан жарима тарзида, 3 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 2 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 2 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида;

**ЖК 129-моддаси бўйича** (*Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиши*) 37 та иш бўйича 37 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган: 1 нафар шахсга нисбатан жарима тарзидаги, 4 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги, 12 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзидаги, 19 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чоралари тайинланган; 1 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган;

**ЖК 136-моддаси бўйича** (*Аёлни эрга тегишга мажбур қилиши ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиши*) 6 та иш бўйича 9 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 2 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш

ишлари тарзида, 5 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 2 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида;

**ЖК 139-моддаси бўйича** (*Тухмат*) 2 та иш бўйича 2 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга озодликни чеклаш тарзидаги жазо чораси тайинланган;

**ЖК 140-моддаси бўйича** (*Ҳақорат қилиш*) 35 та иш бўйича 40 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 12 нафар шахсга нисбатан жарима тарзида, 1 нафар шахсга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тарзида, 21 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 4 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 1 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 1 нафар шахс айблов ҳукми билан жазодан озод этилган;

**2021 йил давомида МЖтКнинг 40-моддаси бўйича** 1077 та иш бўйича 1241 нафар шахсга нисбатан қарор чиқарилиб, шулардан 51 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилган, 1240 нафар шахсга нисбатан жарима тариқасидаги жазо чораси қўлланилган ва 1 шахсга нисбатан бошқа маъмурий жазо чораси қўлланилган;

**МЖтКнинг 41-моддаси бўйича** 12 552 та иш бўйича 17 250 нафар шахсга нисбатан қарор чиқарилган, шулардан 213 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилган, 17 250 нафар шахсга нисбатан жарима тариқасидаги жазо чораси қўлланилган;

**МЖтКнинг 52-моддаси бўйича** 9 797 нафар шахсга нисбатан 8 093 та иш бўйича қарор чиқарилган, шулардан 65 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилган, 9 796 нафар шахсга нисбатан жарима тариқасидаги жазо чораси қўлланилган ва 1 нафар шахсга нисбатан бошқа маъмурий жазо чораси қўлланилган;

**МЖтКнинг 183-моддаси бўйича** 17 410 нафар шахсга нисбатан 14 774 та иш бўйича қарор чиқарилган, шулардан 235 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилган, 8 788 нафар шахсга нисбатан жарима тариқасидаги жазо чораси қўлланилган, 8619 нафар шахсга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чораси қўлланилган, 3 нафар шахсга нисбатан бошқа маъмурий жазо чораси қўлланилган.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан **ЖК 97-модда бўйича** 140 та иш бўйича 155 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган, шулардан 1 нафар шахс оқланган, 154 нафар шахсга нисбатан жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 149 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 4 нафар шахсга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 1 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган;

**ЖК 103-моддаси бўйича** 16 та иш бўйича 25 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 4 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 21 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида;

**ЖК 104-моддаси бўйича** 192 та иш бўйича 222 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 1 нафар шахсга нисбатан жарима тарзида, 5 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 81 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 129 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 5 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган, 1 нафар шахс айблов ҳукми билан жазодан озод этилган;

**ЖК 105-моддаси бўйича** 274 та иш бўйича 310 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 9 нафар шахсга нисбатан жарима тарзида, 3 нафар шахсга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тарзида, 68 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 150 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 70 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 1 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган, 4 нафар шахсга нисбатан жазо тайинланмасдан айблов ҳукми чиқарилган, 5 нафар шахс айблов ҳукми билан жазодан озод этилган;

**ЖК 109-моддаси бўйича** 685 та иш бўйича 732 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилиб, улардан 1 нафари оқланган, 731 нафар шахсга нисбатан жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 80 нафар шахсга нисбатан жарима тарзида, 9 нафар шахсга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тарзида, 337 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 200 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 84 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 6 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган, 10 нафар шахсга нисбатан жазо тайинланмасдан айблов ҳукми чиқарилган, 4 нафар шахс айблов ҳукми билан жазодан озод этилган, 1 нафар вояга этмаганга нисбатан мажбурлов чораси қўлланган (Жиноят кодексининг 88-моддаси);

**ЖК 110-моддаси бўйича** 19 та иш бўйича 20 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 1 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 7 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 11 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 1 нафар шахсга нисбатан жазо тайинланмасдан айблов ҳукми чиқарилган;

**ЖК 112-моддаси бўйича** 59 та иш бўйича 64 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 3 нафар шахсга нисбатан жарима тарзида, 1 нафар шахсга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тарзида, 37 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 8 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 13 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 1 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган, 2 нафар шахсга нисбатан жазо тайинланмасдан айблов ҳукми чиқарилган, 1 нафар шахс айблов ҳукми билан жазодан озод этилган;

**ЖК 118-моддаси бўйича** 152 та иш бўйича 182 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилиб, улардан 4 нафари оқланган, 178 нафар шахсга нисбатан жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 2 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 26 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 149 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 1 нафар шахсга нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган;

**ЖК 119-моддаси бўйича** 106 та иш бўйича 121 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 12 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 109 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида;

**ЖК 121-моддаси бўйича** 4 та иш бўйича 4 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 1 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 3 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида;

**ЖК 129-моддаси бўйича** 65 та иш бўйича 66 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 13 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 25 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 28 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида;

**ЖК 136-моддаси бўйича** 8 та иш бўйича 11 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 2 нафар шахсга нисбатан жарима

тарзида, 6 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 2 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 1 нафар шахсга нисбатан жазо тайинланмасдан айблов ҳукми чиқарилган;

**ЖК 137-моддаси бўйича** 12 та иш бўйича 18 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 1 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 2 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 15 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида;

**ЖК 138-моддаси бўйича** 13 та иш бўйича 21 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 3 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 3 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 12 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 3 нафар шахс айблов ҳукми билан жазодан озод этилган;

**ЖК 139-моддаси бўйича** 1 та иш бўйича 1 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва унга озодликни чеклаш тарзида жазо чораси тайинланган;

**ЖК 140-моддаси бўйича** 45 та иш бўйича 50 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган ва уларга жазо чоралари қуйидагича тайинланган: 10 нафар шахсга нисбатан жарима тарзида, 2 нафар шахсга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тарзида, 23 нафар шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тарзида, 9 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш тарзида, 4 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарзида, 2 нафар шахс айблов ҳукми билан жазодан озод этилган. (Иловадаги 4-жадвалга қаранг. Хотин-қизларга нисбатан гендер зўравонлик билан боғлиқ жинсий ҳуқуқбузарликлар статистикаси)

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментининг муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118-, 119-моддалари бўйича 1 382 нафар маҳкум жазони ўтамоқда, улардан 775 нафар шахс 118-модда бўйича, 607 нафар шахс 119-модда бўйича. (5-жадвал)


Жазони ўтаётган одамлар сони		
Модда	Модданинг номи	Одамлар сони
ЖК 118-моддаси	Номусга тегиш	775
ЖК 119-моддаси	Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй шаклда қондириш	607
	ЖАМИ	1382

5-жадвал

1382 нафар маҳкумдан 18 ёшгача бўлганлар 6 кишини, 18–30 ёшдагилар 354 кишини, 30–40 ёшдагилар 425 кишини, 40–50 ёшдагилар 355 кишини, 50–60 ёшдагилар 186 кишини, 60 ва ундан катта ёшдагилар 46 кишини ташкил этади. (6-жадвал)

Ёши	Одамлар сони	Фоиз
18 ёшгача	16	1,2
18–30 ёш	354	25,6
30–40 ёш	425	30,8
40–50	355	25,7
50–60 ёш	186	13,5
60 ёш ва ундан катта	46	3,3
ЖАМИ	1382	

6-жадвал



Бундан ташқари, тазйиқ ва (ёки) зўравонлик содир этган ёки уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талаблари бажарилмаган тақдирда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206-1-моддаси бўйича маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

**2020 йил давомида** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206-1-моддаси бўйича (тазйиқ ва (ёки) зўравонлик содир этган ёки уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажарилмаслик) 49 та иш бўйича 50 нафар шахсга нисбатан қарор чиқарилиб, шулардан 33 нафар шахсга нисбатан жарима тарзидаги жазо чораси қўлланилган. 17 нафар шахсга нисбатан маъмурий қамоққа олиш қўлланилган,

**2021-йил давомида** 567 та иш бўйича 578 нафар шахсга нисбатан қарор чиқарилиб, шулардан 11 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби бўлмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилган, 305 нафар шахсга нисбатан жарима тарзидаги жазо чораси қўлланилган, 273 нафар шахсга нисбатан маъмурий қамоққа олиш қўлланилган.

Маиший зўравонлик алоҳида жиноий қилмиш сифатида криминаллаштирилмаганлиги сабабли, судга етиб келган оилавий зўравонлик ҳолатлари бўйича тўлиқ статистик маълумотларни олишнинг деярли иложи йўқ. Юқорида келтирилган маълумотлар сўралганидек маълумотни гендер кесимида эмас, балки умумий тарзда кўрсатади, чунки бундай статистика у ерда олиб борилмайди.

Бундан ташқари, шуни тушуниш керакки, кўплаб хотин-қизлар судда адолат изласа, ҳаётлари янада ёмонлашиши мумкинлигидан қўрқишади. Чунки илдиз отиб кетган салбий стереотиплар ва хурофотлар хотин-қизлар олдида одил судловга эришишда тўсиқлар қўяди. Агар Ўзбекистон адлия тизимининг хотин-қизларнинг эҳтиёжларига жавоб бериши масаласи тўғрисида мулоҳаза юритадиган бўлсак, шундай хулосага келиш мумкинки, маиший зўравонлик ишлари бўйича суд баданга оғир шикаст етказиш тўғрисидаги моддалар бўйича ишларни кўриб чиқади, улар эса томонларнинг ярашуви мумкинлиги муносабати билан ҳам тугатилиши мумкин. Судя, ўз навбатида, мустақил равишда аёлга ҳеч қандай имконият бера олмайди. У фақат ушбу ярашув процедурасининг ҳақиқий эканлигини, у қай даражада ихтиёрий бўлганлигини, зўравонликдан жабрланувчига учинчи шахслар томонидан босим ўтказилган ёки ўтказилмаганлигини текшириш ҳуқуқига эга.

Адлия тизимида гендер жиҳатларни ҳисобга олишни яхшилаш ва судлар томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни яхшилаш мақсадида маиший зўравонлик тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишни соддалаштириш, томонларни яраштиришнинг иложи йўқлиги ва мазкур жиноятни содир этганлик учун жазони кучайтириш зарур. Ушбу учта устун хотин-қизлар учун одил судловнинг сезувчанлиги ва унга эришиш даражасини ошириши мумкин.

# III. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

---

## Гендер зўравонликнинг олдини олиш бўйича Қозоғистон тажрибаси

Бугунги кунда Қозоғистонда Қозоғистон Республикасининг давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва фуқароларнинг оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий асосларини белгиловчи Қозоғистон Республикасининг 2009 йил 4-декабрдаги 214-ИВ-сонли “Маиший зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни амал қилади. Қонунда куйидаги тушунчалар мавжуд:

- жабрланувчи – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган шахс сифатида тан олинган, махсус ижтимоий хизматлар кўрсатиладиган жисмоний шахс;
- маиший зўравонлик – бир шахснинг бошқа (бошқалар)га нисбатан оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги жисмоний ва (ёки) руҳий азоб етказувчи ёки етказиш таҳдидини ўз ичига олган қасддан қилинган қонунга хилоф қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги);
- оилавий-маиший муносабатлар - турмуш ўртоқлари, собиқ турмуш ўртоқлари, бирга яшовчи ёки яшаган шахслар, яқин қариндошлар, умумий фарзанди (болалари) бўлган шахслар ўртасидаги муносабатлар.

Маиший зўравонликнинг олдини олиш – оилавий-маиший соҳада инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, маиший зўравонликнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш, шунингдек, уларнинг содир этилишига ёрдам берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган маиший зўравонлик профилактикаси субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуи.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 17-моддасида оиладаги зўравонликнинг индивидуал профилактикаси бўйича чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, уларга қуйидагилар қиради:

1. Маиший зўравонликнинг индивидуал профилактикаси чора-тадбирлари оилада зўравонлик содир этган шахснинг ҳуқуқий онги ва ҳуқ-атвориға унинг томонидан

янги ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тизимли равишда мақсадли таъсир кўрсатиш учун қўлланилади.

2. Маиший зўравонликнинг индивидуал профилактикаси бўйича чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

- 1) профилактик суҳбат;
- 2) маиший зўравонлик содир этган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ёки ҳимоя ордерини бериш учун ички ишлар органларига олиб келиш;
- 3) ҳимоя буйруғи;
- 4) маъмурий йўл билан ушлаб туриш;
- 5) тиббий характердаги мажбурлов чоралари;
- 6) ҳуқуқбузарнинг хулқ-атворига алоҳида талабларни белгилаш;
- 7) маъмурий жазо;
- 8) ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки уларни чеклаш, болани асраб олишни (фарзандликка олишни) бекор қилиш, васийлар ва ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиш ва четлаштириш, болани патронат тарбиячига бериш тўғрисидаги шартномани муддатидан олдин бекор қилиш;
- 9) процессуал мажбурлов чоралари ва жиноий жараёнда жабрланувчилар хавфсизлиги чоралари;
- 10) суд ҳукми асосида қўриладиган чоралар.

18-моддага мувофиқ маиший зўравонликнинг индивидуал профилактикаси чораларини кўриш учун қуйидаги ҳолатлардан бири асос ҳисобланади:

- 1) жисмоний ва юридик шахслардан ариза ёки хабарнинг келиб тушиши;
- 2) ички ишлар органи ходими томонидан маиший зўравонлик ёки уни содир этишга уриниш фактининг бевосита аниқланиши;
- 3) давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидан олинган материаллар.

Қозоғистон Республикасида гендер зўравонлик масалалари бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- 150 рақамли “ишонч телефони”, ватсап-чатлари ва бошқа онлайн усуллар орқали маслаҳат ва ахборот ёрдамини кўрсатиш;
- гендер зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини судларда ва бошқа инстанцияларда ҳимоя қилиш;
- аёллар ва болалар муаммоларини тарғиб қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;
- вазиятни ўрганиш бўйича тадқиқот ўтказиш;
- вазиятни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- муаммодан хабардорликни ошириш учун ахборот кампанияларини ўтказиш;
- амалдаги қонунчиликнинг гендер таҳлили;
- хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича норасмий шарҳлар, муқобил ҳисоботларни тузиш;
- Қозоғистоннинг CEDAW конвенциясини имзолаши фойдасига имзо тўплаш.

Бундан ташқари, Қозоғистонда фуқаролик жамиятининг гендер зўравонликка қарши курашдаги асосий ютуқларини таъкидлаш керак:

- 2009 йилда Қозоғистон Республикасининг “Маиший зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди, ушбу қонунга ва Қозоғистон Республикасининг маиший зўравонликка қарши курашиш бўйича бошқа қонун ҳужжатларига кундалик турмуш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жазони кучайтириш, шунингдек, ҳуқуқбузарга нисбатан индивидуал профилактика чораларини қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган 13 дан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди;
- 2015 йилда Қозоғистон Республикасининг “Махсус ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди;
- Қозоғистон Республикасида 2030 йилгача мўлжалланган оила ва гендер сиёсати концепцияси ишлаб чиқилди ва амал қилмоқда, самарадорлик кўрсаткичи қилиб хотин-қизларга нисбатан рўйхатга олинган маиший зўравонлик ҳолатларини 2020 йилда 20 фоизга, 2023 йилгача 30 фоизга, 2030 йилгача 50 фоизга камайтириш белгиланган;
- шафқатсиз муомалани баҳолашга имкон берувчи шафқатсиз муомалани баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди, улар ҚР ИИБ, ҚР ТФВ, МВнинг қўшма буйруғи билан тасдиқланди ва мазкур буйруқнинг амалга оширилиши одам савдоси ва маиший зўравонликдан жабрланувчиларга ижтимоий ёрдам олишга умид қилиш имконини беради;
- маиший зўравонликдан жабрланувчиларга реабилитацион ижтимоий хизматларини кўрсатиш учун инқироз марказлари тармоғи ривожланган;
- 20 йилдан буён оиладаги зўравонликнинг олдини олиш соҳасида фаолият юритиб келаётган ва Қозоғистонда таниқли нуфузли ННТларнинг раҳбарларидан ташкил топган юқори малакали мутахассислар гуруҳи шакллантирилди;
- Уралск, Тараз, Павлодар шаҳарлари давлат Инқироз марказлари каби махсус ижтимоий хизматлар стандартларига мувофиқ 8 турдаги хизматларни сифатли кўрсатиш тизимини қуришга интилаётган Инқироз марказлари раҳбарлари пайдо бўлди.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикасида фаолияти Қозоғистон Республикасининг “**Маиший зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида**” ги Қонунининг 15-моддаси “Ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар”да мустақамланган маиший зўравонликдан жабрланувчилар учун Инқироз марказлари иш олиб бормоқда ва улар:

- 1) жабрланувчиларни қабул қиладилар;
- 2) жабрланувчиларга зарур психологик, педагогик, тиббий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ташкил этадилар, зарурат туғилганда уларни тиббий ёрдам кўрсатиш ва кейинги реабилитация қилиш учун соғлиқни сақлаш ташкилотларига юборадилар;
- 3) имкониятларидан келиб чиққан ҳолда жабрланувчиларни вақтинчалик турар жой билан таъминлайдилар;
- 3-1) жабрланувчиларга махсус ижтимоий хизматлар кўрсатадилар, шунингдек, уларнинг манфаатларини кўзлаб туман, вилоят аҳамиятидаги шаҳарларнинг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўрсатиладиган кафолатланган



ҳажмдаги хизматлардан ташқари кафолатланган ва (ёки) қўшимча ҳажмдаги махсус ижтимоий хизматлар кўрсатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қиладилар;

- 4) маиший зўравонлик содир этган шахслар билан психо-коррекцион (тузатиш) дастурларини ўтказадилар (6-илова);
- 5) ички ишлар органларини маиший зўравонлик ҳолатлари ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисида хабардор қиладилар;
- 6) маиший зўравонлик масалалари бўйича ҳуқуқий-тушунтириш ишларини олиб борадилар;
- 7) маиший зўравонликнинг олдини олиш масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш вазирининг 2016 йил 21 декабрдаги 1079-сон “Маиший зўравонликдан жабрланувчиларга махсус ижтимоий хизматлар кўрсатиш стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ:

мазкур стандарт ташкилотларда маиший зўравонликдан жабрланувчиларга вақтинча туну-кун (6 ой муддатгача) ёки кундузи (кунига икки соатдан олти соатгача) бўлишга мўлжалланган махсус ижтимоий хизматлар кўрсатувчи давлат ва нодавлат мулки шаклидаги ташкилотларда махсус ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг сифати, ҳажми ва шартларига қўйиладиган талабларни белгилайди, вақтинча бўлиш ва яшаш ташкилотлари фаолиятига қўйиладиган талабларни, махсус ижтимоий хизматларни кўрсатиш, уларни кўрсатишни тугатиш (тўхтатиб туриш) шартларини белгилайди.

### ОЗЖга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракатлар алгоритми



## Грузия адлия тизимида гендер зўравонликнинг олдини олиш амалиёти

Бугунги кунга келиб Грузияда барча асосий Конвенциялар ратификация қилинди, гендер тенглиги бўйича давлат концепцияси ишлаб чиқилди, хотин-қизларга нисбатан камситишларни бартараф этишга ва гендер тенглигини рағбатлантиришга қаратилган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди, хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш бўйича қонунчилик ташаббуслари ва тегишли тадбирлар қабул қилинди, шу жумладан 2006 йилнинг июн ойида “Маиший зўравонликка қарши курашиш, оиладаги зўравонликдан жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонун ва “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Грузияда Одам савдосига қарши курашиш бўйича миллий ҳаракатлар режаси қабул қилинди ва одам савдосига қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳаракатлар режасини самарали амалга ошириш бўйича вазирликлараро комиссия тузилди.

“Оиладаги зўравонликка қарши кураш тўғрисида”ги Қонун қабул қилингани ва жорий этилганига қарамай, Грузияда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик, шу жумладан, оиладаги зўравонлик кўлами ҳамон юқориликча қолмоқда.

Сўнгги йилларда ушбу зўравонликдан жабрланувчилар учун бошпана ва реабилитация марказлари ташкил этилди, аммо улар етарли эмас ва уларда қолиш муддати чекланган. Шунингдек, айрим маргинал гуруҳлар учун улардан фойдаланиш имконияти учун тўсиқлар ҳам мавжуд.

Статистик маълумотларга кўра, Грузияда 2020 йилда оиладаги зўравонлик тўғрисида 18482 та хабар келиб тушган, 95 та жинсий таъқиб ҳолати бўлган, 843 та тақиқ ордери (рестраининг ордер) ва 94 та ҳимоя ордери (протестиве ордер) чиқарилган.

Хотин-қизларни ўлдириш (фемитсид): 2020 йилнинг 9 ойлик маълумотларга кўра, Грузияда 19 хотин-қиз ўлдирилган, шу билан бирга, 20 та хотин-қизни оила аъзоси, собиқ эри ёки шериги томонидан ўлдиришга уриниш рўй берган.

Маиший зўравонликдан жабрланувчиларга ҳар томонлама бепул ҳуқуқий, психологик, ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга, бу жабрланувчиларнинг жиноят, маъмурий ва фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини оширади.

Грузияда ҳозирда 2021 йилда қабул қилинган “Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни ёки (ва) оиладаги зўравонликни тўхтатиш, зўравонликдан жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Грузия Қонуни амалда бўлиб, унда қуйидаги тушунчалар мустаҳкамланган:

**жабрланувчи** – жабрланувчи мақоми Грузия Ички ишлар вазирлигининг тегишли хизмати, суд органи ёки гендер тенглиги, аёлларга нисбатан зўравонлик ва оиладаги зўравонлик бўйича идоралараро комиссия ҳузуридаги аёлларга нисбатан зўравонлик ва/ёки оиладаги зўравонликдан жабрланувчининг мақомини аниқлайдиган гуруҳ (кейинги ўринларда жабрланувчини аниқлайдиган гуруҳ деб юритилади) томонидан жабрланувчи мақоми аниқланган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари менсимаслик ва/ёки жисмоний, руҳий, иқтисодий ёки жинсий зўравонлик ёки мажбурлаш натижасида бузилган аёл, шунингдек оиланинг ҳар қандай аъзолари. Қонуний манфаатлари эътиборга олинмаётган ва жабрланувчи мақоми Грузия Ички ишлар вазирлигининг тегишли хизмати, суд органи ёки (ва) жабрланувчининг шахсини аниқлаш гуруҳи томонидан аниқланган

вояга етмаганлар ҳам жабрланувчи деб тан олинади. Ушбу Қонуннинг 14-моддаси 1 ва 2-бандлари, 3-бандининг 2-жумласи, 142-моддаси, 3- бандининг “и” кичик банди ва 16-моддаси 6-банди мақсадлари учун ҳуқуқий ҳужжат ёки фуқаролик-ҳуқуқий битим асосида ёки уларсиз уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини менсимаслик ва/ёки жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий зўравонлик ёки мажбурлаш йўли билан бузган бошқа жавобгар шахслар ёхуд ҳар қандай бошқа шахслар билан бирга бўлган /яшаётган ва ижтимоий ходим томонидан зўравондан ажратилган вояга етмаганлар ҳам жабрланувчи деб тан олинади. Зўравонлик гувоҳи бўлган болалар ҳам жабрланувчи ҳисобланади;

**тахмин қилинган жабрланувчи** – ўзини жабрланувчи деб ҳисоблаётган ва жабрланувчи мақомини аниқлаш мақсадида тегишли хизматга/тегишли органга/ жабрланувчини аниқлаш гуруҳига мурожаат қилган шахс;

**оила аъзоси** – ушбу Қонун мақсадлари учун – оналар, оталар, бувалар, бувилар, турмуш ўртоқлар, рўйхатга олинмаган никоҳда бўлган шахслар, фарзандлар (ўғай ўғиллар, ўғай қизлар), тарбияга олинган фарзандлар, асраб олган оила (асраб олган ота, асраб олган она), ўғай оналар, ўғай оталар, набиралар, опа-сингиллар, ака-укалар, турмуш ўртоқларнинг ота-оналари, рўйхатдан ўтмаган никоҳда бўлган шахсларнинг ота-оналари, фарзандларнинг турмуш ўртоқлари (шу жумладан, рўйхатдан ўтмаган никоҳда бўлганлар), собиқ турмуш ўртоқлари, ўтмишда қайд этилмаган никоҳда бўлган шахслар, васийлар, ҳомийлар, қўллаб-қувватлаб турган шахслар, васийлик ва ҳомийликдаги шахслар, қўллаб-қувватлаб туриладиган шахслар, шунингдек, доимий равишда биргаликда оилавий хўжалик юритган ёки юритаётган шахслар (13.07.2020 Н6758, 2020 йил 1 сентябрдан кучга киритилсин.);

**зўравон** – бошқа оила аъзосининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини менсимаслик ва (ёки) жисмоний, психологик, жинсий ёки иқтисодий зўравонлик ёхуд мажбурлаш орқали бузадиган оила аъзоси. Жамоат ёки шахсий ҳаётда хотин-қизларга нисбатан жисмоний, психологик, жинсий ёки иқтисодий зўравонлик ёхуд мажбурлаш содир этадиган оила аъзолари ёки ҳар қандай бошқа шахслар ҳам зўравон ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг 14-моддаси биринчи ва 2-бандлари, 3-бандининг иккинчи жумласи, 142-моддаси 2 -банди, 16-моддаси “и” кичик банди ва 6-банди мақсадлари учун ҳуқуқий ҳужжат ёки фуқаролик-ҳуқуқий битим асосида ёки уларсиз вояга етмаганлар билан амалда бирга бўлаётган/яшаётган ва менсимаслик ёки (ва) жисмоний, психологик, жинсий ёки иқтисодий зўравонлик ёхуд мажбурлаш йўли билан уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган бошқа жавобгар шахслар ёки ҳар қандай бошқа шахслар ҳам зўравон деб тан олинади.

Бундан ташқари, “оиладаги зўравонлик” ва “Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик” тушунчалари алоҳида моддаларда мустаҳкамланган:

Оиладаги зўравонлик деганда бир оила аъзоси томонидан бошқасининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини менсимаслик ёки (ва) жисмоний, психологик, иқтисодий, жинсий зўравонлик ёхуд мажбурлаш йўли билан бузиш тушунилади.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик хотин-қизларга жисмоний, руҳий ёки жинсий азоб ёки иқтисодий зарар етказувчи ёхуд етказиши мумкин бўлган жамоат ёки шахсий ҳаётда гендер зўравонликка хос бўлган хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган барча ҳаракатларни, шу жумладан бундай хатти-ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш, хотин-қизларни мажбурлаш ёки уларни ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилишни назарда тутди.

2020 йилда мазкур қонунга Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан тегишли ўзгартиришлар киритилди ва улар оиладаги зўравонлик содир этганликда айбланаётган

шахсни электрон кузатув ўтказиш орқали чеклов ордерининг бажарилишини таъминлашни назарда тутати. Ташаббус муаллифларининг фикрича, бу янгилик аллақачон жабрланувчига айланган хотин-қизларни ҳимоя қилади. Электрон билагузуклар туфайли ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бир зумда зўравоннинг уларга яқинлашгани ҳақида маълумот олишлари мумкин бўлади. Ички ишлар вазирлиги чеклов ордери берилган дақиқада ҳам, унинг амал қилиш муддати давомида ҳам электрон назоратни ўрнатишни таклиф қилди. Бундай қарорни қабул қилишда полиция ходимлари бир нечта ҳолатни ҳисобга олади: оилавий жиноят учун судланганлик мавжудлигини, маиший зўравонлик содир этишда совуқ ёки ўқотар қуролдан фойдаланилганини ва ҳоказо.

Электрон билагузук тақиб юриш ҳақидаги қарор суд томонидан ҳам тасдиқланиши керак. Назорат мажбуриятларини бажармаслик ёки назоратдан қасддан бўйин товлаш чеклов ордерида назарда тутилган талабларни бузиш ҳисобланади. Бу жинойий жавобгарликка олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, қонунда “оила аъзоси” тушунчаси кенгайтирилди. Унга кўра, илгари фуқаролик никоҳида бўлган ёки васийлик остида бўлган шахслар ҳам оила аъзолари ҳисобланади. Ҳимоя ордери олти ой эмас, тўққиз ойгача муддатга берилади ва унинг амал қилиш муддати эса суд томонидан белгиланади.

10<sup>1</sup>-моддага кўра, зўравон устидан электрон назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш.

1. Агар хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ёки (ва) оиладаги зўравонлик факти мавжуд бўлса, ваколатли полиция ходими мазкур Қонуннинг 10-моддаси 32-банди “д” кичик бандида белгиланган жабрланувчини ҳимоя қилиш бўйича вақтинчалик чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш учун жиноятчи устидан электрон назорат ўрнатиши мумкин.
2. Алоҳида ҳолатда, агар зўравон томонидан зўравонликни такрорий содир этишнинг ҳақиқий хавфи мавжуд бўлса, зўравон устидан электрон назоратни ўрнатишга мазкур Қонуннинг 10-моддаси 32-банди “д” кичик бандида белгиланган жабрланувчини ҳимоя қилиш бўйича вақтинчалик чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлаш учун рухсат этилади. Полициянинг ваколатли ходими такрорий зўравонлик хавфини Грузия Ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланган чеклов ордери тўғрисидаги протокол билан белгиланадиган хавфни баҳолаш сўровномаси асосида баҳолайди. Ушбу хавфни баҳолашда турли шарт-шароитлар, жумладан, зўравоннинг ўтмишда унга нисбатан чиқарилган чеклов ёки (ва) ҳимоя ордерини бузганлиги ва ҳуқуқбузарлик хусусияти, ўтмишда зўравонлик жинояти содир этилганлиги, зўравон томонидан таҳдид қилинганлиги ёки (ва) зўравон томонидан жисмоний зўравонлик содир этилаётганида совуқ / ўқотар қуролни қўллагани/намойиш қилгани ва бошқа шарт-шароитлар ҳисобга олинади.
3. Зўравон устидан электрон назорат чеклов ордери чиқарилаётганида, шунингдек, чеклов ордери амал қилиш даврининг исталган вақтида ўрнатилиши мумкин.
4. Электрон назоратни амалга ошириш мақсадида зўравонга топширилган электрон восита электрон билагузук ва қабул қилувчи аппаратдан иборат. Ушбу электрон воситани бузиш ёки йўқ қилиш зўравоннинг жинойий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.
5. Зўравон устидан электрон назоратни амалга ошириш тартиби Грузия Ички ишлар вазирининг буйруғи билан белгиланади ва унда электрон назоратни амалга ошириш коидалари, шу жумладан жабрланувчига яқинлашиш тақиқланган географик

зона (буфер зонаси ва ташвиш зонаси) параметрлари, электрон назоратни амалга оширишда шахсий маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш тартиби ва бошқа масалалар батафсил белгилаб қўйилади.

Грузия мутахассислари томонидан маиший зўравонликнинг олдини олиш бўйича махсус тавсиялар ишлаб чиқилди:

- хотин-қизларнинг КОВИД-19 оқибатларига қарши жавоб бериш механизмларида етакчилиги ва иштирокини кучайтириш;
- локдаунлар пайтида маиший зўравонлик жуда кучайган тақдирда, турли соҳаларда жавоб чоралари ва хизматларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш;
- хотин-қизларга нисбатан зўравонликка, шу жумладан технологияларнинг тарқалишидан келиб чиқадиган янги таҳдидларга қарши самарали кураш олиб бориш учун қонунлар, стратегиялар ва дастурларни такомиллаштириш;
- шикоят бериш ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилишнинг сиёсий ва жамоат механизмларини яратиш;
- можаролар ва инқирозлар таъсирида қолган давлатлар учун ковиддан кейинги ва иқтисодий тикланиш режаларига гендер муаммолари жиҳатларини киритиш;
- қонунчиликка ўзгартиришлар киритиб, хотин-қизларнинг мулкка эгалик қилиш ва мерос ҳуқуқига эга бўлишлари йўлидаги тўсиқларнинг амалда бартараф этилишини таъминлаш.

## Украинада гендер сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари

Украинада самарали гендер сиёсатини амалга ошириш учун Конституциядан ташқари 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан Украина қонунлари, Украина Президентининг фармонлари, Украина Вазирлар Маҳкамасининг маъмурий ҳужжатлари, шунингдек, марказий ижро этувчи ҳокимият органларининг буйруқлари қабул қилинди. 2005 йилда “Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш тўғрисида”ги, 2012 йилда “Камситишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тамойиллари тўғрисида”ги, 2001 йилда “Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги, 2017 йилда “Маиший зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Украинанинг 2017 йилдаги “Маиший зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида” ги қонунида қуйидаги тушунчалар мустаҳкамланган:

**маиший зўравонлик** – оилада ёки яшаш жойи чегарасида ёки қариндошлар орасида ёки бир оила бўлиб бирга яшаётган (яшаган) собиқ ёки ҳозирги турмуш ўртоқлари орасида ёки бир оила бўлиб бирга яшаётган (яшаган), лекин бир-бири билан қариндошлик муносабатларида ёки никоҳда бўлмаётган (бўлмаган) бошқа шахслар ўртасида содир этиладиган жисмоний, жинсий, психологик ёки иқтисодий зўравонлик қилмишлари (ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлик), маиший зўравонликни содир этган шахс жабрланувчи шахс билан бир жойда яшаётгани (яшаганлигидан) қатъий назар, ва шунингдек, бундай қилмишларни содир этиш билан таҳдид этиш;

**маиший зўравонликдан жабрланган шахс** (кейинги ўринларда – жабрланувчи шахс) – ҳар қандай шаклда маиший зўравонликка дучор бўлган шахс;

**маиший зўравонликдан жабрланган бола** (кейинги ўринларда – жабрланган бола) – ҳар қандай шаклдаги маиший зўравонликдан жабр кўрган ёки бундай зўравонликнинг гувоҳи (шоҳиди) бўлган 18 ёшга тўлмаган шахс;

**дилозор бола** – ҳар қандай шаклда маиший зўравонлик содир этган 18 ёшга тўлмаган шахс;

**маиший зўравонликка қарши курашиш** – ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек Украина фуқаролари, Украинада қонуний равишда бўлиб турган чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан амалга ошириладиган ва маиший зўравонликни тўхтатиш, жабрланувчига ёрдам кўрсатиш ва уни ҳимоя қилиш, унга етказилган зарарни қоплаш, шунингдек, маиший зўравонлик ҳолатларини тўғри текшириш, жафокорларни жавобгарликка тортиш ва уларнинг хулқ-атворини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими.

Маиший зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатларининг амал қилиши, биргаликда яшашидан қатъий назар, қуйидаги шахсларга нисбатан тадбиқ этилади:

- 1) турмуш ўртоқларига;
- 2) собиқ турмуш ўртоқларига;
- 3) келинга;
- 4) турмуш ўртоқлардан бирининг (собиқ турмуш ўртоқларнинг) ва бошқасининг (собиқ турмуш ўртоқларнинг) онаси (отаси) ёки болаларига;
- 5) бир оила бўлиб бирга яшаётган (яшаган), лекин бир-бири билан никоҳда бўлмаётган (бўлмаган) шахсларга, уларнинг ота-оналари ва болаларига;
- 6) умумий фарзанди (фарзандлари) бўлган шахсларга;
- 7) ота-онасига (онага, отага) ва фарзандига (фарзандларига);
- 8) бувасига (бувасига) ва ўғил набирасига (қиз набирасига);
- 9) катта бувасига (катта бувасига) ва ўғил эварага (қиз эварага);
- 10) ўғай отага (ўғай онага) ва ўғай ўғилга (ўғай қизга);
- 11) туғишган ака-ука ва опа-сингилларга;
- 12) бошқа қариндошларга: амакига, тоғага (холага, аммага) ва ўғил жиянга (қиз жиянга), тоғаваччаларга, амакиваччаларга, холаваччаларга, аммаваччаларга, бир қорин нари бувага (бувига) ва бир қорин нари ўғил набирага (қиз набирага);
- 13) турмуш ўртоқларнинг, собиқ турмуш ўртоқларнинг, келинларнинг, умумий ёки асраб олинган бўлмаган умумий фарзанди (болалари) бўлган шахсларнинг фарзандларига;
- 14) васийларга, ҳомийларга, уларнинг фарзандлари ва васийликдаги (васийликда бўлган) шахсларга;
- 15) асраб олган ота-оналарга, тарбиячи ота-оналарга, патронат тарбиячиларга, уларнинг фарзандлари ва асраб олинган болаларига, тарбияланувчи болаларга, патронат тарбиячисининг оиласида яшаётган (яшаган) болаларга.

Маиший зўравонлик ва жинс асосидаги зўравонлик учун ҳуқуқий жавобгарликка қуйидагилар қиради:

- маъмурий жавобгарлик;

- фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги;
- жиний жавобгарлик.

**“Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”**ги Кодекснинг 173-2-моддасига кўра, маиший зўравонлик, жинс асосидаги зўравонлик, яъни жисмоний, психологик ёки иқтисодий характердаги ҳар қандай қилмишларни (ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликни) қасддан содир этганлик (баданга шикаст етказишга олиб келмаган зўравонликни, таҳдид қилиш, ҳақорат қилиш ёки тақиб қилишни қўллаш, жабрланувчи қонуний ҳуқуқига эга бўлган уй-жойдан, озиқ-овқатдан, кийим-кечакдан, бошқа мол-мулкдан ёки жабрланувчи қонунда назарда тутилган ҳуқуққа эга бўлган маблағлардан маҳрум қилиш ва ҳоказо), бунинг натижасида жабрланувчининг жисмоний ёки руҳий соғлиғига зарар етказилиши мумкин бўлса ёки етказилган бўлса, шунингдек, шахс томонидан шу шахсга нисбатан чиқарилган муддатли тақиқ ордерини бажармаслик ёки бундай ордер чиқарилган тақдирда ўзининг вақтинча турган жойи тўғрисида Миллий полициянинг ваколатли бўлинмаларини хабардор қилмаслик,

Фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган энг кам даромадларининг ўн бараваридан йигирма бараваригача жарима солишга (170 дан 340 гривнагача) ёки ўттиз соатдан қирқ соатгача бўлган муддатга жамоат ишларига ҳуқм қилинишга ёки ўн суткагача (ҳозир — етти суткагача) муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади;

- йил давомида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан бири учун маъмурий жазога тортилган шахс томонидан содир этилган бундай ҳаракатлар,
- фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган энг кам даромадларининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга (340 дан 680 гривнагача) ёки қирқ соатдан олтмиш соатгача бўлган муддатга жамоат ишларига ҳуқм қилинишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик** Украинанинг “Маиший зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддасида (Маиший зўравонликни содир этиш натижасида етказилган моддий зарар ва маънавий зиённи қоплаш) мустаҳкамланган, унда шундай дейилади:

1. Маиший зўравонлик натижасида етказилган моддий зарар ва маънавий зиённинг ўрнини қопланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга маънавий зиён қопланиши керак бўлган моддий йўқотишлардан қатъий назар қопланади ва уларнинг миқдори билан боғлиқ эмас.
2. Маиший зўравонлик натижасида етказилган моддий зарар ва маънавий зиённи қоплаш тартиби Украина Фуқаролик Кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Украина Жиноят қонунчилигига кўра, оила аъзосига қарши жиноят содир этиш фактининг ўзи оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Украина қонун чиқарувчилари маиший зўравонликка жавоб беришнинг вариатив (плюрал) моделини яратдилар:

- 1) Украина Жиноят кодексининг 126-1-моддаси “Маиший зўравонлик” ишлаб чиқилган;
- 2) жиноятларнинг айрим таркибларида квалификацияловчи белги сифатида “турмуш ўртоғига ёки собиқ турмуш ўртоғи ёки айбдор оилавий ёки яқин муносабатларда

- бўлиб турган (бўлган) бошқа шахсга нисбатан жиноят содир этиш” назарда тутилган;
- 3) Украина Жиноят Кодексининг 67-моддасида “турмуш ўртоғига ёки собиқ турмуш ўртоғига ёки айбдор оилавий ёки яқин муносабатларда бўлиб турган (бўлган) бошқа шахсга нисбатан жиноят содир этиш” оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган;
  - 4) маиший зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан чеклов чоралари институти яратилди (Украина Жиноят Кодексининг 91-1-моддаси);
  - 5) Украина Жиноят кодексининг 76-моддаси “Суднинг синов билан жазони ўташдан озод қилинган шахсга юклайдиган мажбуриятлари”да маиший зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар учун ҳукм қилинганларга Украина Жиноят Кодексининг 91-1- моддасида назарда тутилган чекловлар ва тақиқларни қўллаш кўзда тутилган;
  - 6) Украина Жиноят кодексининг 390-1-моддаси “Чекловчи чораларни бажармаслик ёки чекловчи буйруқларга риоя қилмаслик ёки дилозорлар учун мўлжалланган дастурдан ўтмаслик” ишлаб чиқилган.

Бундан келиб чиқадики, “маиший зўравонлик билан боғлиқ жиноят” тушунчасининг мазмуни Жиноят кодексининг 126-1-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби сифатидаги соф “Маиший зўравонлик”дан анча кенгроқдир.

Украина Жиноят кодексига 126-модда “Уриш ва қийноқлар” ўзгартирилди ва у эндиликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 110-моддаси “Қийнаш”га қараганда кенгроқ туркумдаги жиноятларни ифодалайди. Шунини таъкидлаш керакки, “ЖКнинг 126-моддасида жавобгарлик назарда тутилган жиноятнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар асосан жабрланувчига жисмоний оғриқ келтиришга қаратилгандир. Бундай ҳаракатлар тана тўқималарининг анатомик яхлитлигини ёки бирон-бир органнинг функцияларини бузмайди ва бу билан улар тана жароҳатидан фарқ қилади. Улар жисмоний оғриқлар орқали соғлиққа зарар келтиради”.

Украина Жиноят кодексига 126-1-модда “Маиший зўравонлик” киритилди: “Маиший зўравонлик, яъни турмуш ўртоқларга ёки собиқ турмуш ўртоқларга нисбатан ёки айбдор оилавий ёки яқин муносабатларда бўлиб турган (бўлган) бошқа шахсга нисбатан қасдан мунтазам равишда жисмоний, психологик ёки иқтисодий зўравонлик содир этиш, бу жабрланувчининг жисмоний ёки руҳий азобланишига, соғлиғининг бузилишига, меҳнат қобилиятининг йўқотилишига, эмоционал қарамлигига ёки ҳаёт сифатининг ёмонлашишига олиб келган бўлса, бир юз элликдан икки юз қирқ соатгача жамоат ишлари билан ёки олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Шунингдек, Украина Жиноят кодексининг 66-моддаси “Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар”га ўзгартиришлар киритилди: “шафқатсиз ёки шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи муомала келтириб чиқарган кучли руҳий ҳаяжон таъсирида, шунингдек, жабрланувчи томонидан бундай хатти-ҳаракатлар тизимли тарзда амалга оширилган тақдирда жиноят содир этиш”. Бунинг сабаби шундаки, баъзида қасдан одам ўлдириш ёки баданга оғир шикаст етказиш учун ҳукм қилинган аёллар ўз эрлари ёки шерикларини уларнинг таҳдидларидан ўзларини ҳимоя қилиб ёки узоқ вақт давомида маиший зўравонлик вазиятида бўлганларидан ўлдирган ёки майиб қилиб қўйганлар.



**Маиший зўравонлик тўғрисидаги ишлар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш ва уларни бошқа инстанцияларга юбориш учун қуйидаги органларга мурожаат қилиш мумкин:**

- болалар ишлари бўйича хизматлар;
- Украина Миллий полициясининг ваколатли бўлинмалари;
- таълим бошқаруви органлари, таълим тизимидаги ўқув юртлари, муассасалар ва ташкилотлар;
- соғлиқни сақлаш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- бепул иккиламчи юридик ёрдам кўрсатиш марказлари;
- судлар;
- прокуратура;
- ваколатли пробация органлари.

**Жабрланувчиларни умумий қўллаб-қувватлаш хизматлари:**

- оилалар, болалар ва ёшлар учун ижтимоий хизматлар марказлари;
- болалар учун бошпаналар;
- болаларни ижтимоий-психологик реабилитация қилиш марказлари;
- ижтимоий реабилитация марказлари (болалар шаҳарчаси);
- ижтимоий-психологик ёрдам марказлари;
- ҳудудий ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари;
- жабрланувчиларга ижтимоий хизматлар кўрсатадиган бошқа муассасалар.

**Жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича ихтисослашган хизматлар:**

- жабр кўрган шахслар учун бошпаналар;
- жабр кўрганларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш марказлари;
- маиший зўравонлик, жинс асосидаги зўравонлик ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича Колл-марказ;
- жинс асосидаги зўравонликдан жабр кўрганларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш мобил гуруҳлари.

**Оилавий зўравонлик ҳолатларида қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:**

- 102 – Украина миллий полицияси;
- 15-47 – маиший зўравонликдан жабрланганлар учун ҳукумат ишонч телефони;
- 116-123 ёки 0-800-500-335 – “La Strada”;
- 772 ёки 0-800-500-225 – Болалар учун миллий ишонч телефони;
- Ижтимоий сиёсат вазирлигининг ҳудудлардаги мобил гуруҳлари;
- UNFPA кундузги марказлари;
- @police\_helpbot — Ички ишлар вазирлигининг Телеграмдаги чат-боти.

**Маиший зўравонликка қарши курашиш бўйича махсус чора-тадбирлар:**

- тажовузкорга нисбатан муддатли тақиқловчи буйруқ;
- тажовузкорга нисбатан чекловчи буйруқ;
- тажовузкорни профилактик ҳисобга олиш ва у билан профилактика ишларини олиб бориш;
- тажовузкорни тажовузкорлар учун дастурни ўтишга юбориш.

## Гендер зўравонликнинг олдини олиш бўйича Польша тажрибаси

Польшада ушбу ҳодисага қарши курашиш ва маиший зўравонликнинг олдини олиш механизмини яратиш мақсадида 2005 йил 20 сентябрда “Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди, шунингдек, Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича миллий дастур тасдиқланди.

Польшада 20 йилдан ортиқ вақтдан бери уч йўналишда иш олиб боришни назарда тутувчи “Мовий линия” процедураси амал қилади:

Биринчи йўналиш – “Мовий линия” процедурасини ишлаб чиқиш.

Иккинчи йўналиш – ўқув курсларини ишлаб чиқиш.

Учинчи йўналиш – ижтимоий кампанияларни ўтказиш, жамоатчиликни хабардор қилиш.

Кўрилаётган чоралар туфайли Польшада жамоатчилик онгида “руҳий зўравонлик” тушунчаси тарқала бошлади. Зўравонлик энди нафақат жисмоний куч билан боғланыпти. Борган сари кўпроқ одамлар руҳий зўравонлик ҳодисасини (ҳар хил қўпол иборалар, сўкишлар, лақаблар, ҳиссий шантажлар ва бошқалар) тушуниб етмоқда.

Бундан ташқари, кундалик ҳаётга турли моддий неъматлардан, пул маблағларидан фойдаланишни чеклаш, шунингдек, кексалар ва имкониятлари чекланган одамларга тегишли қаровнинг мавжуд эмаслигини аниқладиган иқтисодий зўравонлик тушунчаси киритилмоқда.

Ассоциацияга телефон орқали келиб тушаётган маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, одамлар нафақат жисмоний таҳқирлашларга, балки хотин-қизларга ва болаларга нисбатан руҳий таҳқирлашларга ҳам муносабат билдира бошладилар. Шундай қилиб, вазият яхши томонга ўзгара бошлади. Бироқ, экспертларнинг фикрича, иқтисодий ва жинсий зўравонлик каби зўравонликнинг бошқа шакллари аниқлаш унчалик осон эмас, бунинг натижасида зўравонликнинг бундай шакллари яширин бўлиб қолмоқда.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг турли шаклларига қарши курашиш мақсадида Ассоциация томонидан Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш ва ундан ҳимоя қилиш дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- маиший зўравонликдан жабрланган одамларнинг эҳтиёжларига мос келадиган махсус ёрдам хизматларидан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг турларини ошириш;
- маиший зўравонликни қўллашни чеклаш ва унинг саломатлик ва жамият учун оқибатларини камайтириш;
- зўравонлик содир бўлаётган оилаларда хавфсизлик ҳиссини кучайтириш;
- оиладаги зўравонликка дучор бўлган одамларнинг уни тўхтатиш ва ҳаётда конструктив тарзда ўзини тутиш учун рағбат ва кўникмаларини ошириш;
- маиший зўравонликдан жабрланган одамларнинг ҳаётнинг турли соҳаларида, жумладан, оилавий, касбий, ижтимоий соҳаларида фаолиятини яхшилаш.

Ассоциация қошида фуқаролар – жабрланганлар, гувоҳлар, зўравонлик содир этган шахсларнинг ўзлари ёрдам сўраб мурожаат қилишлари мумкин бўлган Оиладаги зўравонликдан жабрланувчилар учун миллий фавқулодда ёрдам хизмати “Мовий линия” –

кечаю-кундуз ишлайдиган “800 12 00 02” ишонч телефони мавжуд. Уларга психологик кўмак ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

Маиший зўравонликнинг олдини олишдаги алоҳида эътибор икки ёндашувга асосланади:

- биринчидан, зўравонликка қарши кураш ишлари зўравонликдан жабрланганларнинг ўзлари билан ҳам, зўравонлик содир этганлар билан ҳам олиб борилади;
- иккинчидан, зўравонликка қарши кураш маълум оилада зўравонлик қўлланилиши мумкинлигига шубҳа пайдо болиши билан бошланади.

Польша нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг фикрича, маиший зўравонликнинг олдини олишда таълим муҳим рол ўйнайди. Масалан, Ассоциация маиший зўравонликка қарши курашиш билан шуғулланувчи давлат органлари вакиллари учун ҳам, жабрланувчиларнинг ўзлари ва зўравонлик содир этаётган шахслар учун ҳам ахборот-маърифий ишларни (тренинглар, семинарлар) олиб боради.

Маиший зўравонлик бўйича ўқув курси барча хизматларнинг малака ошириш курсларига киритилган ва бу қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Курсларнинг турли даражалари мавжуд – асосий ва муайян органлар учун мўлжалланган. 120 ўқув соатидан иборат бўлган амалиёт курслари ишлаб чиқилган.

Маиший зўравонлик муаммоси тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида ижтимоий тарғибот ишлари олиб борилмоқда: телевидение ва радиода ижтимоий роликлар намойиш этилмоқда, реклама тахталарида зўравонлик ҳолатларига муносабат билдиришга чақирувчи плакатлар осилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида маиший зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар берилади, шунингдек, фожиа содир бўлган ҳодисалар ҳам тилга олинади.

Мамлакатда зўравонликдан жабрланувчилар билан ишлаш учун оилалар билан кенг қамровли ишларни олиб боровчи бошпаналар ташкил этилган. Бошпаналарнинг фаолиятини молиялаштириш маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бошпана бир вақтнинг ўзида 130 кишини, шу жумладан, аёллар ва болаларни қабул қилиш учун мўлжалланган бўлиб, унда 1 йилгача қолиши мумкин.

Белгиланган қоидаларга кўра, зўравонликдан жабрланган ёки оғир аҳволда қолган аёл ижтимоий ёрдам бўлимига бошпанага жойлаштириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Бошпаналарнинг асосий вазифаси зўравонликдан жабрланган шахснинг хавфсизлигини таъминлаш ва уни яшаш жойи билан таъминлаш, шунингдек, аёлларни мустақил ҳаётга тайёрлашдир. Ҳар бир аёл учун у билан ишлашнинг алоҳида режаси тузилади, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

Аёллар бошпанада бўлар экан, улар алоҳидаланиб қолмайдилар, улар одатдаги ҳаёт кечирадилар – ишга борадилар, болаларини мактабгача таълим ва мактаб муассасаларига олиб борадилар, кейин эса бошпанага қайтадилар.

Агар аёл уйини тарк этишга қарор қилса, у ижтимоий уй-жой олиш учун ариза бериш ҳуқуқига эга ва бу уй-жой қонун ҳужжатларида белгиланган барча талаблар бажарилган тақдирда, Варшава шаҳри мерияси томонидан берилиши мумкин.

Польшада “мовий карта” тартиби мавжуд бўлиб, у оиладаги зўравонликка қарши курашиш учун мўлжалланган. Тартиб шундан иборатки, агар оилада зўравонлик ҳолати

борлигига шубҳа туғилса, “мовий карта” расмийлаштирилади. Зўравонлик ҳолати аниқланган тақдирда кузатув ўрнатилади. “Мовий карта” ҳам полиция, ҳам ижтимоий ёрдам маркази ёки алкоғолизм муаммосини ҳал қилиш бўйича маҳаллий комиссия томонидан берилиши мумкин. “Мовий карта” тартибидан кўзланган мақсад унинг таъсири билан бутун оилани – зўравонликдан жабрланувчини ҳам, зўравонлик содир этувчи шахсни ҳам қамраб олишдан иборат. Жабрланувчига турли, жумладан, психологик, ҳуқуқий, ижтимоий ёрдам кўрсатилади. Зўравонлик содир этаётганлар учун махсус тузатиш дастурлари яратилган.

“Мовий карта” тартибга маиший зўравонликнинг олдини олишнинг ижобий воситаси сифатида қаралади.

Ҳар бир туманда институтлараро органлар – давлат органлари – полиция, ижтимоий ёрдам марказлари, соғлиқни сақлаш, таълим органларининг камида 5 вакилидан, шунингдек, прокуратура вакиллари, жиноят ишлари бўйича куратордан, шунингдек, оилавий ишлар бўйича куратордан иборат интизомлараро комиссиялар ташкил этилган.

2005 йилда “Маиший зўравонлик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши нафақат аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, балки оилада янги кадриятлар – оилавий муносабатларда аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги, болаларни зўравонсизлик ва тан жазосисиз тарбиялашни шакллантиришга имкон берди.

Польша ҳукумати маиший зўравонликка қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун давлат томонидан маълум маблағларни ажратишни назарда тутувчи 6 йилга мўлжалланган Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича Миллий дастурни тасдиқламоқда, шунингдек, Миллий дастурни амалга оширишнинг боришини мониторинг қилувчи махсус ваколатли орган белгиланди.

Ахборот-маърифий фаолиятга ва муаммонинг ўзига эътиборни қаратувчи, шунингдек, зўравонликдан жабрланувчиларни ҳимоя қилиш механизминини тушунтирувчи ижтимоий роликлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

## IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ СИТУАЦИОН ТАҲЛИЛИ

**Глобал вазият тўғрисида қисқача маълумот.** Ҳам глобал, ҳам маҳаллий даражада гендер тенгсизликка барҳам бериш ва хотин-қизларнинг жамоат, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ролини кучайтириш бўйича фаол ишлар олиб борилаётганига қарамай, гендер тенглик глобал кун тартибида долзарб мавзу бўлиб қолмоқда.

Ўтган ўн йилликларда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида тўлиқ ва тенг иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини босқичма-босқич яратган қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Бироқ, ташланган барча қадамлар ва эришилган муваффақиятларга қарамай, гендер тенгсизлиги муаммоси ҳали ҳам бутун дунё учун долзарблигича қолмоқда ва бундан кейин ҳам самарали ишлашни талаб қилади.

Гендер тенгликни таъминлаш учун комплекс тизимли ёндашув: гендер масалалари билан шуғулланувчи экспертлар, давлат ва хусусий тузилмалар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг биргаликдаги фаолияти, қонунчилик даражасида изчил иш олиб бориш, ҳуқуқий механизмларни амалиётга татбиқ этиш, ижтимоий кафолатларни таъминлаш, барча даражадаги бюджетларни шакллантиришда гендер масалаларини ҳисобга олиш, шунингдек, амалга оширилган чора-тадбирларни доимий мониторинг қилиш ва баҳолаш зарур.

**Ўзбекистон Республикасидаги вазият тўғрисида қисқача маълумот.** Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистонда гендер тенгсизлигига қарши кураш бўйича қатор илғор чора-тадбирлар амалга оширилди. 1990 йилларнинг бошидан Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш чора-тадбирлари бўйича давлат сиёсатининг йўналишлари шакллана бошлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро стандартларнинг асосий қоидалари эълон қилинган ва эркаклар ва хотин-қизлар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш тамойиллари баён этилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида тенг ҳуқуқлилиқ тамойили мустаҳкамланган: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар”. Конституциянинг 46-моддасида: “Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир” деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этирилган тамойиллар кейинчалик миллий қонунчиликка киритилди. 1995-йилда БМТнинг “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциясига қўшилган Ўзбекистон

жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларида аёллар ва эркаклар ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олди.

Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойиллари ва нормаларини тартибга солувчи барча асосий халқаро ҳужжатларни ратификация қилган. Сўнги бир неча йил ичида миллий қонунчилик халқаро конвенция ва пактларда эълон қилинган халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилди.

2008 йил апрель ойида Ўзбекистон парламенти ХМТнинг иккита конвенциясини ратификация қилди: Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138-сон Конвенция ва Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тугатиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш ва уларни таъқиқлаш тўғрисидаги 182-Конвенция.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастурини тасдиқлаган Фармонида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, шу жумладан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг одам савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколни ратификация қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар назарда тутилган.

Давлат бюджети харажатлари оширилди ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ҳомиладор оналар ва болалар саломатлигини таъминлаш ва бошқаларга қаратилган қатор ижтимоий дастурлар қўллаб-қувватланди ва ишга туширилди.

Ҳукумат ва маҳаллий даражада хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, уларда барча даражада ваколатли шахслар бор.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари билан бевосита шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам мамлакат, ҳам минтақавий даражада вакиллик ва маслаҳат органларида фаол иштирок этмоқда.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий арбоблар ва экспертларни фаол жалб қилган ҳолда гендер тенгликни такомиллаштиришга қаратилган муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни, жумладан, 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш бўйича Стратегияни назарда тутувчи стратегия ва миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқмоқда.

Давлат БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича қўмитасига мунтазам равишда ҳисобот тақдим этади, унда хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қоидаларининг бажарилиши ҳақида маълумот тақдим этади ва уларни ҳимоя қилиш чораларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар олади.

Сўнги бир неча йил ичида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига хотин-қизларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар киритилди, жумладан:

- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳаёт, саломатлик ва жинсий эркинликка бир қатор тажовузлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган, лекин оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган;
- одатда, маиший зўравонлик ҳолатлари бўйича ишлар жабрланувчиларнинг шикояти бўйича қўзғатилиши мумкин, яъни, улар хусусий айблов ихтиёрида ҳисобланади. Шу муносабат билан, маиший зўравонликдан жабрланувчиларни ҳимоя қилиш

мақсадида давлат зўравонликдан жабрланувчиларни моддий зарар ва маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги даъво бўйича давлат божи тўлашдан озод қилди, лекин суд жараёни билан боғлиқ харажатлар ва аёлларни заиф аҳволга соладиган ижтимоий-иқтисодий муаммолар жабрланувчи учун оғир юк бўлиб қолмоқда;

- таъкидлаш жоизки, маиший зўравонликни исботлаш оғирлиги жабрланувчининг зиммасига тушади, тартиб-қоидаларни билмаслик, зўравонликни ҳужжатлаштиришдаги қийинчиликлар, жабрланувчиларнинг давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ҳуқуқий ҳимоя воситалари тўғрисида хабардор қила олмаслиги туфайли кўпинча бунинг иложи бўлмайди;
- зўравонликдан жабрланувчилар тиббий кўрикдан ўтишда қийинчиликларга дуч келишмоқда, чунки далилларни тегишли тарзда қайд эта оладиган ва жисмоний ёки психологик зўравонлик қўлланганлиги тўғрисида хулоса бера оладиган мутахассислар йўқ. Жабрланувчи маблағ топиб, суд-тиббий экспертизасига бориши керак, бу эса қўшимча вақт ва харажатларни талаб қилади. Далилларни тўплаш имконияти бўлиши керак;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида фақат айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосида иш юритиш кўзғатиладиган саломатлик, жинсий эркинликка қарши, никоҳга киришга мажбурлаш ёки никоҳга тўсқинлик қилиш, тухмат ва ҳақорат қилиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши бир қатор жиноятлар санаб ўтилган. Мазкур моддада жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятсиз ҳам жиноят ишини кўзғатиши шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Аммо ушбу моддада вояга етмаганлар билан оила қуриш моддаси бўйича жинсий жавобгарлик назарда тутилмаган;
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 66-1-моддасига кўра, соғлиғи ёки жинсий эркинликка зарар етказувчи жиноятларни содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жинсий жавобгарликдан озод қилинади, бу эса кўпинча жабрланувчининг манфаатларига мос келмайди ва ҳимоя механизмини самарасиз қилади;
- CEDAW қўмитаси тавсиялари асосида ҳамда БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси қоидаларини амалга ошириш мақсадида амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга бир қатор ўзгартиришлар киритилди ва қуйидаги янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, қонунлар ҳам қабул қилинди:
  - “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятларнинг кафолатлари тўғрисида”;
  - “Хотин-қизлар ва болалар савдосининг олдини олишга қаратилган “Трафикинг тўғрисида”;
  - “Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”;
  - “Хотин-қизларнинг сиёсий иштироки тўғрисида (хотин-қизларнинг мамлакат сиёсий ва жамият ҳаётида фаол иштирокидаги ролини кучайтириш ва ҳ. к.)
  - 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”;
  - 2008 йил 17 апрелдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида, шунингдек, БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш ва уларга эришиш бўйича изчил ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган тўққизта мақсад ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда БМТнинг аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси қоидаларини бажариш масалаларини мувофиқлаштириш ва Пекин ҳаракат платформаси ва Миллий ҳаракатлар режасини амалга оширишдан иборат.

Мавжуд ўзгаришларга қарамай, гендер тенгликни таъминлаш бўйича чоратадбирларни янада самаралироқ амалга оширишни талаб қилувчи қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Шунга кўра, кейинги ҳаракатларни режалаштириш учун мавжуд тўсиқлар, бўшлиқлар ва нюансларни таҳлил қилиш керак.

**Асосий муаммолар/бўшлиқлар.** Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги муаммолар ва тўсиқлар аниқланди:

- тахминий миқдорий ва сифат маълумотларининг йўқлиги;
- дастлаб тўсиқлар ва эҳтиёжларни аниқлаш мақсадида турли муаммоли йўналишлар бўйича юқори сифатли тадқиқотларнинг йўқлиги;
- жинси, ёши ва бошқалар бўйича статистик маълумотларни тўплаш;
- аҳолининг гендер зўравонлик муаммоси ҳақида хабардорлигининг пастлиги;
- стигма ва ўз-ўзини қоралаш;
Электрон назоратни чекловчи ордер берилаётган вақтда ҳам, унинг бутун амал қилиш муддати давомида ҳам ўрнатиш таклиф этилади. Электрон билагузук таъқиб юриш тўғрисидаги қарор ҳам суд томонидан тасдиқланиши керак. Назорат мажбуриятларини бажармаслик ёки ундан қасддан бўйин товлаш чекловчи ордерда назарда тутилган талабларни бузиш ҳисобланади, бу эса жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

13. Оилавий зўравонликдан жабрланувчиларга ҳар томонлама бепул ҳуқуқий, психологик, ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, бу жабрланганларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини оширади.
14. Оилавий зўравонлик ҳолатларида эр ва хотинни яраштириш мезонларини ишлаб чиқиш ва тегишли ҳуқуқий ҳужжатларга киритиш, шунингдек, яраштириш амалиёти ўтказилган оилалар ҳолатини мониторинг қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш. Ушбу амалиёт оиладаги зўравонликнинг такрорланишига йўл қўймасликнинг олдини олиш учун зарур.
15. Қонунчилик даражасида Олий судга маиший зўравонлик ҳолатлари бўйича суд амалиётини очиқ эълон қилиш мажбуриятини юклаш керак.
16. Қонунчилик даражасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура) зиммасига маиший зўравонлик бўйича қўзғатилган ишлар бўйича статистик маълумотларни гендер кесимида жамоатчиликка очиқ эълон қилиш мажбуриятини юклаш керак.
17. Гендер зўравонликнинг барча шакллари, шу жумладан, маиший ва жинсий зўравонликнинг жиноий табиати тўғрисида, бундай ҳолатлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга репрессиядан, қоралашдан ва такроран

виктимизациялашдан қўрқмасдан хабар бериш зарурлиги ва имконияти тўғрисида телевидение ва радио орқали ижтимоий роликларни намойиш қилиш, зўравонлик ҳолатларига жавоб беришга чақирувчи плакатларни реклама тахталарига жойлаштириш ва ҳ. к. йўли билан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш бўйича фаолиятни фаоллаштириш.

Маиший зўравонликка қарши тўлақонли ва ҳар томонлама кураш олиб бориш, оиладаги зўравонликнинг айрим турларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида ички ишлар органлари ходимлари, маҳалла қўмиталари ходимларининг хабардорлиги, билим ва кўникмаларини уларни ўқитиш орқали ошириш.

- 18.** Хотин-қизларнинг жамиятдаги гендер ролларига нисбатан стереотиплар ва хурофотларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, судялар, ижтимоий хизматчилар, психологлар ва реабилитация марказлари ходимлари учун оилавий зўравонликдан жабрланганлар билан мулоқот қилиш, шунингдек, гендер масалалари бўйича мунтазам равишда ўқув дастурлари ва тренинглари ўтказиш.
- 19.** Ахборот-маърифий фаолият ва муаммонинг ўзига диққатни жалб қилувчи, шунингдек зўравонликдан жабрланганларни ҳимоя қилиш механизмини тушунтирувчи ижтимоий роликларни яратиш йўли билан жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш бўйича кампанияни кучайтириш.
- 20.** Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларининг гендер экспертизасини ўтказиш тартибини жорий этиш, шунингдек, доимий асосда гендер-сезувчан журналистикага ўқитиш бўйича бир қатор тренинглари ўтказиш.



# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

---

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <http://www.lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. // <https://lex.uz/ru/docs/111457>
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. // <https://lex.uz/ru/docs/97661>
4. “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун // URL: <https://lex.uz/docs/4494849>
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни // URL: <https://www.lex.uz/docs/4494709>
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // <https://lex.uz/ru/docs/4679532>
7. “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги қонун. // <https://lex.uz/ru/docs/4233888>
8. “Зўрлик ишлатишдан жабр қўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қонун. //
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Зўрлик ишлатишдан жабр қўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш борасидаги ишларни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. // <https://lex.uz/ru/docs/5670659>
10. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси. // <https://lex.uz/ru/docs/5466673>
11. “Маиший зўравонликдан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш” лойиҳаси бўйича материаллар тўплами. – Олмаота, 2021 йил.
12. “Маиший зўравонликдан жабрланганлар учун инқироз марказлари фаолиятини такомиллаштириш ва тажовузкорлар билан ишлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш” лойиҳаси бўйича материаллар тўплами. – Олмаота, 2020 йил.
13. Маиший зўравонликка дуч келган шахслар учун сўров. // <https://docs.google.com/forms/d/1Z0kJ6SiH0S46MH4imHgvj0FvoAyfyRoArHs3yGS-djg>
14. Маиший зўравонлик муаммоси бўйича сўровнома. // <https://docs.google.com/forms/d/1UkpDUYVRII0JS34sNaoRq1UFXxpMhHStcliubWhFz8o>
15. Қозоғистон Республикасининг “Маиший зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонуни 2009 йил.
16. Қозоғистон Республикасининг 2015 йилдаги “Махсус ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонуни.

17. Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий тараққиёт вазирининг 2016 йил 21 декабрдаги 1079-сонли “МЗЖ га махсус ижтимоий хизматлар кўрсатиш стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.
18. Грузиянинг “Оиладаги зўравонликка қарши курашиш, оиладаги зўравонликдан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонуни.
19. Грузиянинг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонуни.
20. Грузиянинг 2017 йилдаги “Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ёки (ва) оиладаги зўравонликнинг олдини олиш, зўравонликдан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонуни.
21. Украинанинг 2005 йилдаги “Хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш тўғрисида”ги қонуни.
22. Украинанинг 2012 йилдаги “Камситишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тамайиллари тўғрисида”ги қонуни.
23. Украинанинг 2001 йилдаги “Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонуни.
24. Украинанинг 2017 йилдаги “Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни.
25. Украинанинг “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги кодекси.
26. Украина Жиноят кодекси.
27. 2005 йилдаги “Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонун.
28. 2005 йилдаги Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш миллий дастури.

## ИЛОВАЛАР

---

Аёлларга нисбаган гендер асосидаги зўравонлик, шу жумладан оилاداги ва жинсий зўравонлик билан боғлиқ жиний ҳуқуқбузарликлар статистикаси

Мод- данинг рақами	Модданинг номи	2020		Қўзғатил- ган жино- вий ишлар сони	Ҳуқмлар сони	Шаҳлар сонига қўра	Оқлан- ган	Жарима тарзда- ги жазо чораси қўл- ланилди	Мажбурий жамоат ишла- ри тарзидаги жазо	Ахлоқ туза- тиш меҳнаги тарзидаги жазо	Озоликни чеклаши тарзидаги жазо	Озолик- дан маҳрум қилиш тарзидаги жазо	Шарти хуқм қилиш тарзидаги жазо	Ҳуқмиз судланган- лик	Жазодан озод қи- линган	Умрбод озодликдан муҳрум қилиш тарзидаги жазо
		2020	2021													
Ст. 97 УК	Қасддан одам ўлдириш	2020	2021	110	118						115					2
		2020	2021	140	155		1				149		1			4
Ст. 103 УК	Ўзини ўзи ўлдириш	2020	2021	13	14						3					
	даражасига етказиш	2020	2021	16	25						4					
Ст. 103-1	Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш	2020	2021	0												
Ст. 104 УК	Қасддан баданга оғир шикаст етказиш	2020	2021	596	178			4		14	68		3	1	1	
		2020	2021	288	222			1		5	81		5		1	
Ст. 105 УК	Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш	2020	2021	1618	176			5	4	60	78		2			
		2020	2021	2256	310			9	3	68	150		1	4	5	
Ст. 109 УК	Қасддан баданга енгил шикаст етказиш	2020	2021	3840	397		1	51	4	205	118		3	5		
		2020	2021	6093	732			80	9	337	200		6	10	4	
Ст. 110 УК	Қийнаш	2020	2021	42	18		1			1	7					
		2020	2021	45	20					1	11					
Ст. 112 УК	Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўриштириш	2020	2021	116	45			5	1	17	6		2	2		
		2020	2021	165	64			3	1	37	8		1	2	1	
Ст. 115 УК	Аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш	2020	2021	1	2						2					
Ст. 118 УК	Номуқта тегтиш	2020	2021	40	153		1			5	24		4			
		2020	2021	75	182		4			2	26		1			
Ст. 119 УК	Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш	2020	2021	15	96		4	1		1	11					
		2020	2021	19	121						12					
Ст. 121 УК	Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш	2020	2021	8	10		2	1		3	2					
		2020	2021	4	4					1	3					
Ст. 129 УК	Ўн олти ёшга тулмаган шаксга нисбаган уяғ сиз- бузук ҳаракатлар қилиш	2020	2021	37	37			1		4	12		1			
		2020	2021	65	66					13	25					
Ст. 135 УК	Одам савдоси	2020	2021	59	72		5			2	26					
		2020	2021	69	103		1			1	31		9			
Ст. 136 УК	Аёлни эрга тегтишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш	2020	2021	6	9					2	5					
		2020	2021	8	11			2			6			1		
Ст. 137 УК	Одам ўтрилаш	2020	2021	8	18						6					
		2020	2021	12	18					1	2					
Ст. 138 УК	Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш	2020	2021	9	12					1	5					
		2020	2021	3	21					3	3				3	
Ст. 139 УК	Тухмағ	2020	2021	84	2						2					
		2020	2021	132	1						1					
Ст. 140 УК	Ҳақорат қилиш	2020	2021	607	40			12	1	21	4				1	
		2020	2021	1140	50			10	2	23	9				2	
Ст. 141-1	Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш															
Ст. 235 УК	Қийноққа солиш ва бошқа шарфқасиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш	2020	2021	1	1					1						
		2020	2021	2	5						5					
Ст. 277 УК	Безорилик	2020	2021	152	247		3	12	12	42	134		1	8	8	
		2020	2021	303	557			26	33	73	306		9	13	4	



# Илова 1. ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА БАРЧА АЁЛЛАР ВА ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ БЕШИНЧИ МАҚСАДИГА ЭРИШИШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚҚИЗТА МАҚСАДНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:**



1

○ Ҳамма жойда барча аёллар ва қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш, шу жумладан, билвосита камситишларга барҳам бериш тамойилларини қонунчиликка киритиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали таъбиқ этиш;

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари, шу жумладан одам савдоси, жинсий ва бошқа эксплуатация шакллари йўқ қилиш;



3

○ Эрта ва мажбурий никоҳларга йўл қўймаслик;

Миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, коммунал хизматлар, инфратузилма ва ижтимоий ҳимоя тизимларини таъминлаб ва уй хўжалигини юритишда ва оилада умумий масъулият тамойилини қўллаб-қувватлаб, ҳақ тўланмайдиган парвариш ва уй хўжалигини юритиш ишларини тан олиш ва қадрлаш;



5

○ Хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида тўлиқ ва самарали иштирок этишини ҳамда уларга етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш;

Репродуктив саломатлик соҳасида кенг қамровли тиббий-санитария ёрдами учун соғлиқни сақлаш хизматлари билан ялпи қамровни таъминлаш;



7

○ Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришда қўллаб-қувватлаш дастурларини кенгайтириш;

Хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтиришга қўмаклашиш учун юқори самарали технологиялар, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;



9

○ Бошқарувнинг турли даражаларида давлат дастурларини қабул қилиш жараёнига гендер тенглиги тамойилларини тўлиқ интеграция қилиш.



2



4



6



8



## ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР



### ҚОНУНЧИЛИК СОҲАСИДА:

○ **25** дан ортиқ қонун ҳужжатлари, жумладан: **4** та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **6** та фармон ва қарори, **17** та ҳукумат қарори қабул қилинган.



### НАЗОРАТ ОСТИДА:

Аёллар эгаллаган ўриндиқлар улуши:

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида - **32%**,

Сенатда - **25%**,

Халқ депутатлари Кенгашларида - **26,5%**,

Вазирлик ва унга тенглаштирилган лавозимларда - **3,03%**

**1400** дан ортиқ хотин-қизлар раҳбарлик қилади



### ТАЪЛИМ СОҲАСИДА:

Олий маълумотли аёллар улуши - **40%**

PhD даражасига эга аёллар улуши - **37%**

Доцент илмий унвонига эга бўлган аёллар улуши **31,5%**,

Фан докторлари - **24,3%**,

Аёл профессорлар - **22,7%**




### ИЖТИМОЙ ЁРДАМ:


Шундай қилиб, 2018-2021 йиллар давомида **4878** нафар хотин-қизларга уй-жой сотиб олиш учун **112** миллиард сўмдан ортиқ бошланғич бадал тўланди. **1** минг **383** нафар ногирон аёлга **1** миллиард **200** миллион сўмдан ортиқ реабилитация маблағлари ажратилди. **150** нафар аёлга мураккаб операциялар бажарилди. Ўтган 4 йилда **620,2** минг нафардан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланди. 2021-йилда **6,5** нафар тадбиркор аёлга **122** миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Тадбиркор аёллар сони **2744** нафарга кўпайиб, **172,7** минг нафарни ташкил етди. Республика Хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш маркази ва унинг **28** та ҳудудий филиаллари (14 та вилоят ва 14 туманларара) ташкил етилди. 2021 йилда ички ишлар органлари ходимлари томонидан қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган **328** нафар хотин-қиз марказларга юборилди; 2020 йилда - **289** нафар аёл.

## Илова 2. МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА СЎРОВНОМАНИНГ НАТИЖАЛАРИ


### Респондентлар жинси




### Респондентлар ёши



### Худудий вакиллик



### Мамлакатимизда уйдаги зўравонлик ёки оиладаги зўравонлик деб аталадиган муаммо борми?



Кўпинча уйдаги зўравонликка, оилавий зўравонликка дучор бўладиганлар респондентларнинг фикрига кўра:




Респондентларнинг фикрича, оиладаги зўравонликнинг қуйидаги шакллари содир бўлади:




## Илова 2. МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА СЎРОВНОМАНИНГ НАТИЖАЛАРИ

### СИЗНИНГЧА, ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ АСОСИЙ САБАБЛАРИ НИМАДА?




### “ЯҚИН ИНСОНЛАРИНГИЗНИНГ ҚАЙСИ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИНИ ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗ?” ДЕГАН САВОЛГА БИР НЕЧТА ЖАВОБЛАРНИ ТАНЛАШ ИМКОНИАТИ БИЛАН ҚЎЙИДАГИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ:




## Илова 2. МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА СЎРОВНОМАНИНГ НАТИЖАЛАРИ


Оилавий зўравонлик муаммоси бўйича бир қанча қарашлар мавжуд. Баъзилар зўравонлик ҳар қандай шаклда қабул қилиниши мумкин эмас деб ҳисоблашади. Бошқалар зўравонликни таълим мақсадлари билан оқлаш мумкин, деб ҳисоблашади. Респондентларнинг жавоблари қуйидагича тақсимланди



Респондентлар оилада (масалан, қариндошлар, ҳамкасблар, танишлар ва бошқалар ўртасида) оилавий зўравонлик ҳолатларидан хабардорми, деган саволга қуйидаги жавоблар олинди




Респондентлар “Оилавий зўравонликка дучор бўлган таниш одамларингиз ёрдам сўраганими?” деган саволга шундай жавоб бердилар?



Агар қўлланилса, қаерга? (бир нечта жавоб бўлиши мумкин?)



Саволга: “Умуман олганда, оилангизда сиз ва бошқа оила аъзоларингиз (турмуш ўртоғингиз, хотинингиз, ота-онангиз, фарзандларингиз) ўртасида жанжал ва можаролар тез-тез содир бўладими? Жавоблар қуйидагича тақсимланди




“Сизга қандай зўравонлик ҳолатлари маълум еди” деган саволга жавоблар қуйидагича тақсимланди (камайиш тартибиде)






## Илова 2. МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА СЎРОВНОМАНИНГ НАТИЖАЛАРИ


### Оила аъзоларидан қайси бири билан жанжал кўпроқ содир бўлади?



### “Илтимос, айтинг-чи, сиз ёки оила аъзоларингиздан бири шундай вазиятга тушиб қолганмисиз?” деган саволга қуйидаги жавоблар олинди




**Вазиятни тасаввур қилинг - сиз қўшнилариңизнинг оиласида (уйда, зинапожда) кимдир бошқа оила аъзосига шафқатсиз муносабатда бўлган, унга зўравонликнинг у ёки бу кўринишини (жисмоний, ахлоқий, иқтисодий, жинсий) кўрсатадиган вазиятнинг гувоҳи бўлдингиз). Бундай вазиятда қандай позицияни эгаллайсиз?**




## Илова 2. МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА СЎРОВНОМАНИНГ НАТИЖАЛАРИ

**Илтимос, айтинг-чи, оиладаги зўравонлик қурбонига айланган кишиларга ҳақиқатан ҳам ёрдам берадиган давлат муассасалари, ижтимоий хизматлар, инқироз марказлари, жамоат ташкилотлари, ишонч телефонларини биласизми?**




**Сизнингча, оилада оилавий зўравонликнинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар самаралироқ бўлиши мумкин? (бир нечта жавоб бўлиши мумкин)**




## Илова 2. МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА СЎРОВНОМАНИНГ НАТИЖАЛАРИ


### Респондентлар жинси




### Респондентлар ёши



### Худудий вакиллик




### Мамлакатимизда уйдаги зўравонлик ёки оиладаги зўравонлик деб аталадиган муаммо борми?



Кўпинча уйдаги зўравонликка, оилавий зўравонликка дучор бўладиганлар респондентларнинг фикрига кўра:




Респондентларнинг фикрича, оиладаги зўравонликнинг қуйидаги шакллари содир бўлади:




## Илова 2. МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА СЎРОВНОМАНИНГ НАТИЖАЛАРИ

### СИЗНИНГЧА, ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ АСОСИЙ САБАБЛАРИ НИМАДА?




**“ЯҚИН ИНСОНЛАРИНГИЗНИНГ ҚАЙСИ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИНИ ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗ?” ДЕГАН САВОЛГА БИР НЕЧТА ЖАВОБЛАРНИ ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ БИЛАН ҚЎЙИДАГИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ:**




## Илова 2. МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА СЎРОВНОМАНИНГ НАТИЖАЛАРИ


Оилавий зўравонлик муаммоси бўйича бир қанча қарашлар мавжуд. Баъзилар зўравонлик ҳар қандай шаклда қабул қилиниши мумкин эмас деб ҳисоблашади. Бошқалар зўравонликни таълим мақсадлари билан оқлаш мумкин, деб ҳисоблашади. Респондентларнинг жавоблари қуйидагича тақсимланди



Респондентлар оилада (масалан, қариндошлар, ҳамкасблар, танишлар ва бошқалар ўртасида) оилавий зўравонлик ҳолатларидан хабардорми, деган саволга қуйидаги жавоблар олинди




Респондентлар “Оилавий зўравонликка дучор бўлган таниш одамларингиз ёрдам сўраганми?” деган саволга шундай жавоб бердилар?



Агар қўлланилса, қаерга? (бир нечта жавоб бўлиши мумкин?)



Саволга: “Умуман олганда, оилангизда сиз ва бошқа оила аъзоларингиз (турмуш ўртоғингиз, хотинингиз, ота-онангиз, фарзандларингиз) ўртасида жанжал ва можаролар тез-тез содир бўладими? Жавоблар қуйидагича тақсимланди



“Сизга қандай зўравонлик ҳолатлари маълум еди” деган саволга жавоблар қуйидагича тақсимланди (камайиш тартибда)




## Илова 2. МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА СЎРОВНОМАНИНГ НАТИЖАЛАРИ


### Оила аъзоларидан қайси бири билан жанжал кўпроқ содир бўлади?



### “Илтимос, айтинг-чи, сиз ёки оила аъзоларингиздан бири шундай вазиятга тушиб қолганмисиз?” деган саволга қуйидаги жавоблар олинди




**Вазиятни тасаввур қилинг - сиз қўшнилариңизнинг оиласида (уйда, зинапоёда) кимдир бошқа оила аъзосига шафқатсиз муносабатда бўлган, унга зўравонликнинг у ёки бу кўринишини (жисмоний, ахлоқий, иқтисодий, жинсий) кўрсатадиган вазиятнинг гувоҳи бўлдингиз). Бундай вазиятда қандай позицияни эгаллайсиз?**




## Илова 2. МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДА СЎРОВНОМАНИНГ НАТИЖАЛАРИ

**Илтимос, айтинг-чи, оиладаги зўравонлик қурбонига айланган кишиларга ҳақиқатан ҳам ёрдам берадиган давлат муассасалари, ижтимоий хизматлар, инқироз марказлари, жамоат ташкилотлари, ишонч телефонларини биласизми?**




**Сизнингча, оилада оилавий зўравонликнинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар самаралироқ бўлиши мумкин? (бир нечта жавоб бўлиши мумкин)**




## Илова 3. ЗЎРАВОНЛИККА СОДИР БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

Маъмур сўровнома Nemolchi.uz ахборот кўмагида Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларининг амалга оширилишида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш, уларнинг одил судловга эришишга бўлган имкониятининг даражасини тадқиқ этиш мақсадида ўтказилди. Сўровда 129 киши иштирок этди.


### Жинс бўйича респондентлар кўрсатилиши:




### Респондентларнинг ёши бўйича тақсимлиниши




### Респондентларнинг ҳудудий вақиллиги




### Респондентларнинг таълим даражаси



### Ўзбекистонда оилавий зўравонлик муаммоси мавжуд деб ҳисоблайсизми?



### Сиз ўзингизни оилавий зўравонлик жабрланувчиси деб ҳисоблайсизми?



### Зўравонлик ким томонидан амалга оширилган?



### Оилавий зўравонликнинг қайси туринининг жабрланувчиси бўлгансиз?





## Илова 3. ЗЎРАВОНЛИККА СОДИР БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

Маъмур сўровнома Nemolchi.uz ахборот кўмагида Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларининг амалга оширилишида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш, уларнинг одил судловга эришишга бўлган имкониятининг даражасини тадқиқ этиш мақсадида ўтказилди. Сўровда 129 киши иштирок этди.



Оилавий зўравонликка учраган вақтингизда тегишли органларга мурожаат қилганмисиз?



62,1%

мурожаат қилмаганман (infografikani tekshiring, ma'lumotlar noto'g'ri)



27,9%

милицияга



13,2%

маҳаллага



3,9%

прокуратурага



5,4%

судга



3,9%

реабилитация марказига



6,4%

ёрдам сўраб бошқаларга мурожаат қилдим

Агар мурожаат қилмаган бўлсангиз, бунинг сабаби нима?



38,8%

Ёш эдим, тушунмагандим



31,1%

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ишонмадим



30,1%

Стрессдан, психологик ҳолатидан



23,3%

Уятдан



20,5%


Қўрқувдан



19,4%


Бошқа сабабларга кўра

Сиз оилавий зўравонлик тўғрисида тегишли органларга ёрдам сўраб мурожаат қилганингизда, Сизга нисбатан қандай муносабат билдирилган?



- Бошқа - **58,9%**
- Ишонишмади, менга ҳолатимни тушунмаган ҳолда муносабат қилишди - **9,3%**
- Мени эшитишди, ёрдам беришди - **9,3%**
- Мени эшитишмади - **7%**
- Бошқаларга мурожаат қилишимни айтишди - **3,9%**
- Мурожаатимни қабул қилишмади - **2,3%**
- ННТ га ёрдам сўраб мурожаат қилишимни айтишди - **0,8%**

Зўравонликка қарши курашишга масъул органлар томонидан қандай чоралар амалга оширилган ёки оширилмаган?




- ҳеч қандай чора кўрилмади - **50%**,
- тажовузкор билан суҳбат ўтказилди ёки ҳимоя ордери чиқарилди - **21%**
- ҳимоя ордери қўллаш имконияти ҳақида билишмаган - **18%**
- ННТ вакиллари ва психолог томонидан яхши ёрдам берилди - **3,2%**
- яраштирилди - **6,5%**
- иш судга топширилди - **1,6%**
- маъмурий жавобгарликка солинган - **1,6%**
- жарима солинган - **1,6%**


## Илова 3. ЗЎРАВОНЛИККА СОДИР БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

Маъмур сўровнома Nemoichi.uz ахборот кўмагида Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларининг амалга оширилишида юзага келадиган муаммоларни аниқлаш, уларнинг одил судловга эришишга бўлган имкониятининг даражасини тадқиқ этиш мақсадида ўтказилди. Сўровда 129 киши иштирок этди.

Сизга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳимоя ордери берилган бўлса, бу ҳужжат сизни зўравонликдан ҳимоя қилдими?




Оилавий зўравонлик жабрланувчиси ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиши керак деб ҳисоблайсизми?



Сиз оилавий зўравонликдан ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш мақсадида, суд жараёнигача борганмисиз?




Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилган респондентларнинг 12,3% ўз ишини судда кўриб чиқишдан кейин қуйидаги натижаларга эришилди:



Ўзбекистонда оилавий зўравонлик жабрланувчилари учун махсус реабилитация марказлари (шелтерлар) фаолият юритаётганидан хабарингиз борми?




Реабилитация марказлари (шелтерлар) фаолияти хақида маълумотни қаердан олдингиз?




## Илова 4. ННТ ВАКИЛЛАРИ УЧУН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

### Респондентларнинг жинси:




### Респондентларнинг ёши:



### Хуқуқий вакиллиги:




### Сизнингча, Ўзбекистонда амалдаги қонунчилик ва сиёсат аёлларни уйдаги зўравонликдан етарли даражада ҳимоя қила оладими?



### “ННТ да қандай иш билан шуғулланасиз” деган саволга қуйидаги жавоблар олинди:



### Сизнингча, Ўзбекистонда оилавий зўравонликка қайси турдаги уй хўжаликларида истиқомат қилувчи аёллар кўпроқ учрайди?



## Илова 4. ННТ ВАКИЛЛАРИ УЧУН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

**Ҳозирги кунда Ўзбекистонда оилавий зўравонликнинг кенг тарқалишига ва содир бўлишига қандай омиллар сабаб бўлмоқда?**



Сизнинг ташкилотингизга асосан зўравонликнинг қайси турига учраган шахслар мурожаат қилган?



Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартибот идоралари уйдаги зўравонликка қарши курашда қанчалик самарали?



## Илова 4. ННТ ВАКИЛЛАРИ УЧУН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

**Оилавий зўравонлик бўйича одил судлов тизимининг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши керак:**



**Респондентларнинг фикрига кўра, ҳимоя ордерини қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш учун қуйидагилар зарур:**




## Илова 4. ННТ ВАКИЛЛАРИ УЧУН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

Ҳимоя ордери оилавий зўравонлик қурбонига айланган жабрланувчининг ҳуқуқларини қай даражада муҳофаза қилмоқда?



- ҳимоя ордери етарли даражада самарали эмас - **54,5%**
- ҳимоя ордери зўравонликдан умуман ҳимоя қилмайди - **15,5%**
- ҳимоя ордери самарали - **12,1%**
- жавоб бериш қийин - **15,1%**
- Ҳимоя ордерининг самарадорлиги вазиятга боғлиқ - **3%**

Реабилитация марказлар/шертларларнинг фаолиятини яхшилаш учун нима қилиш керак?



- Молиявий ёрдам керак - **42,9%**
- Профессионал кадрлар, шу жумладан менежерлар ва психологларни тайёрлаш зарур - **28,6%**
- Реабилитация марказлардан чиқиб ҳаётга қайтган аёлларни қўллаб-қувватлаш зарур - **14,3%**
- Умуман, реабилитация марказларнинг иш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш - **14,3%**

Ўзбекистонда оилавий зўравонлик жабрланувчилари учун мўлжаллаган реабилитация марказлари (шелтерлар) фаолиятини қандай баҳолаган бўлардингиз?



**52%**

Реабилитация маркази ишини қониқарсиз



**10,5%**

Ўртача баҳо берилди



**16%**

Яхши даражада ишлайди



**21%**

Жавоб беришга қийналди

Оилавий зўравонликнинг асосий сабаблари билан қандай курашиш керак? Аёлларга нисбатан содир этилаётган оилавий зўравонликнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?



## 2021 йил 12 ойида ҲИМОЯ ОРДЕРИ БЕРИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Давр	Республика бўйича
1	Ҳимоя ордери берилган хотин-қизлар сони, шундан	2021	39343
		2020	14774
1.1	вояга етмаганлар	2021	378
		2020	125
1.2	ёшлар (18–30 ёш)	2021	9861
		2020	3810
2	Тазйиқ зўравонлик содир этилган жойи	2021	39343
		2020	14774
2.1	оилада	2021	34330
		2020	13233
2.2	кўчада	2021	3557
		2020	962
2.3	жамоат жойида	2021	917
		2020	425
2.4	таълим муассасасида	2021	67
		2020	18
2.5	иш жойида	2021	427
		2020	136
3	Ҳимоя ордерини олган шахслар	2021	39343
		2020	14774
3.1	эри томонидан хотинига	2021	26667
		2020	10785
3.2	келини томонидан қайнонасига	2021	1128
		2020	367
3.3	қайнона томонидан келинига	2021	1559
		2020	617
3.4	бошқаларга	2021	9989
		2020	3005
4	Тазйиқ ва зўравонлик турлари	2021	39949
		2020	14813
4.1	жисмоний зўравонлик	2021	13658
		2020	6836
4.2	жинсий зўравонлик	2021	106
		2020	95
4.3	иқтисодий зўравонлик	2021	234
		2020	121
4.4	руҳий зўравонлик	2021	18777
		2020	6281

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Давр	Республика буйича
4.5	тазйиқ	2021	7174
		2020	1480
5	<b>Ҳимоя ордерини бериш учун асос бўлган ҳужжатлар</b>	2021	39343
		2020	14774
5.1	тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларнинг мурожаати	2021	27384
		2020	9854
5.2	жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари	2021	2879
		2020	1091
5.3	тазйиқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш фактларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши	2021	7074
		2020	2742
5.4	давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан келиб тушган материаллар	2021	2006
		2020	1087
6	<b>Амал қилиш муддати узайтирилган ҳимоя ордерлари</b>	2021	623
		2020	76
6.1	жисмоний зўравонлик	2021	225
		2020	32
6.2	жинсий зўравонлик	2021	6
		2020	1
6.3	иқтисодий зўравонлик	2021	3
		2020	2
6.4	руҳий зўравонлик	2021	346
		2020	15
6.5	тазйиқ	2021	78
		2020	9
7	<b>Такрорий берилган ҳимоя ордерлари</b>	2021	989
		2020	104
7.1	жисмоний зўравонлик	2021	290
		2020	3
7.2	жинсий зўравонлик	2021	0
		2020	0
7.3	иқтисодий зўравонлик	2021	2
		2020	0
7.4	руҳий зўравонлик	2021	505
		2020	85
7.5	тазйиқ	2021	187
		2020	19
8	<b>Тугатилган ҳимоя ордерлар</b>	2021	35151
		2020	185
9	<b>Ҳимоя ордерини олишдан бош тортган ҳолатлар</b>	2021	905
		2020	287
10	<b>Тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсга белгиланган чекловлар</b>	2021	75997
		2020	30547



Т/р	Кўрсаткичлар номи	Давр	Республика буйича
10.1	тазйиқ ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш	2021	38182
		2020	15798
10.2	тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганлар билан алоқасини тақиқлаш	2021	16520
		2020	6411
10.3	тазйиқ ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганнинг ҳамда тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш	2021	10404
		2020	3485
10.4	тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганни даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи махсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклатиш	2021	6394
		2020	2105
10.5	тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қуролни (бундан хизмат қуроли мустасно), сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини химоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқини тақиқлаш	2021	1468
		2020	886
10.6	зўравонлик ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши шартлиги юзасидан белгиланган мажбурият	2021	5833
		2020	1599
11	<b>Химоя ордери бериш натижасида</b>	2021	39054
		2020	14594
Шундан	оила яраштирилди	2021	20769
		2020	8166
	низо бартараф этилди	2021	15142
		2020	5046
	оила ажрашган	2021	921
		2020	817
	низо бартараф этилмади	2021	2222
		2020	565
12	<b>Маъмурий ёки жиноий жавобгарлик масаласини белгилаш билан биргаликда расмийлаштирилган химоя ордери</b>	2021	2730
		2020	341
12.1	Маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатларида	2021	2638
		2020	266
шу жумладан	МЖТКнинг 206-1 моддаси	2021	1322
		2020	146
	такрорий 206-1 модда қулланилган	2021	61
		2020	0
	МЖТКнинг бошқа моддаларига асосан жавобгарликка тортилганлар	2021	1255
		2020	48
12.2	Жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатларида	2021	92
		2020	18
13	<b>Химоя ордери беришни рад этиш ҳолатлари</b>	2021	544
		2020	127
14	<b>102 рақамга келиб тушган хабарлар</b>	2021	4969
		2020	2746

## **Тажовузкорлар учун тузатиш дастури<sup>11</sup>**

Салтанат Маусеитова, Турганжан Сабилов

### **Умумий қоидалар**

Тажовузкорлар учун тузатиш дастури (кейинги ўринларда Дастур) эркакларнинг зўравон хатти-ҳаракатларини тузатиш, тажовузкорларни ҳурмат билан мулоқот қилиш кўникмаларига, адекват, конструктив хулқ-атвор кўникмаларини ривожлантириш ва бойитишга, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга, ўзига ўзи адекват баҳо беришни шакллантиришга, ҳаддан ташқари стресс ва хавотирликни бартараф этишнинг амалий кўникмаларини машқ қилишга ўргатишдан иборат.

### **Дастурдан кўзланган мақсадлар:**

1. Тажовузкорлар гуруҳи аъзоларининг зўравонликни шеригини, унинг хатти-ҳаракатлари, фикрлари ва ҳис-туйғуларини назорат қилиш воситаси сифатида қўллашнинг сабабларини тушунишларини яхшилаш.
2. Зўравонликнинг барча шаклларини аниқлаш ва уларга эътироз билдириш.
3. Зўравонликни рағбатлантирувчи /ёки/ва маъқулловчи маданий ва ижтимоий омилларни аниқлаш. Зўравонлик содир бўладиган шарт-шароитлар маиший зўравонликни мантиқан тушунтириш, оқлаш ёки асослаш учун ишлатилади.
4. Тажовузкорлар ўз танлови учун масъул деган нуқтаи назарга асосланиб, маиший зўравонликни оқлашга қарши туриш. Эркак кишининг мотивациясига ва ўзгаришларни ҳурмат билан қўллаб-қувватлашига урғу бериш.
5. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг вайрон қилувчи ва ҳалокат билан тугаши мумкин бўлган оқибатларини ўрганиш.
6. Тажовузкорларга зўравонликни англаб етишга кўмаклашиш. Маиший зўравонликнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли оқибатларини кўрсатиш: тажовузкорлар ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатлари учун жавобгарликни ўз зиммаларига олишлари керак.
7. Эркакларни зўравонликни қўллашни қандай қилиб тўхтатиш, шериги билан назоратсиз ва ҳурмат кўрсатган тарзда муносабатда бўлиш ҳақида амалий маълумот билан таъминлаш.
8. Тажовузкорнинг хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликка йўл қўйиб бўлмаслигини англаб етишига эришиш.
9. Тажовузкорнинг тажовузкор хатти-ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари учун жавобгарликни қабул қилишига эришиш.
10. Тажовузкорнинг хатти-ҳаракатларини номақбулдан муқобил-ҳурматли ва хавфсизга ўзгартириш.

11 “Маиший зўравонликдан жабрланганлар учун инкироз марказлари фаолиятини такомиллаштириш ва тажовузкорлар билан ишлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш” лойиҳаси бўйича материаллар тўплами. – Олмаота, 2020 йил.

### Дастур вазифалари

1-босқич вазифалари. Биринчи босқич тажовузкорнинг эр-хотин ўртасидаги муносабатларда зўравонлик қўлланилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган индивидуал хусусиятларини аниқлаб олиш учун мўлжалланган. Бу босқич 2 сеансга мўлжалланган.

2-босқич вазифалари. Иккинчи босқич эркакларга жисмоний зўравонликни тўхтатиш, уларнинг шеригига нисбатан хатти-ҳаракатларининг баъзи оқибатларини тан олиш ва уларга нисбатан ҳамдардликни ривожлантириш, ўтмишда зўравонлик учун асос бўлган ҳақоратли ва назорат қилувчи хатти-ҳаракатлар муаммосини ҳал қилишга ёрдам бериш учун мўлжалланган. Бу босқич 6 сеансга мўлжалланган.

### Дастур тузилиши

Дастур ҳар бири 50 дақиқадан иборат бўлган ҳар ҳафта ўтказиладиган уч индивидуал терапия сеансидан ташкил топган. Улардан иккитаси дастлабки сеанслардир. Улар мотивация ва дастлабки баҳолаш босқичида ўтказилади. Қолгани ҳар ҳафта ўтказиладиган ва 1,5–2 соат давом этадиган олти гуруҳ терапияси сеансидан иборат. Асосий дастур рецидивнинг олдини олиш бўйича камида иккита гуруҳ сеансини ўз ичига олади. Ҳар бир машғулотдан сўнг гуруҳ аъзоларига ўрганилаётган модул мавзулари бўйича уй вазифалари берилади. Дастурда 18 ёшдан ошган ёшлар иштирок этишлари мумкин.

### Гуруҳни тузиш тамойиллари

Шуни ҳисобга олиш керакки, тузатиш дастурида иштирок этиш учун эркак киши маълум мезонларга жавоб бериши керак. Ушбу мезонлар қуйида келтирилган.

Гуруҳ аъзоларини танлаш мезонлари. Дастур кимга мос келади?

**Испания.** Тажовузкорнинг вазифаси – тартибни сақлаш ва тажовузкорларни психологик даволашда иштирок этиш:

- 18 ёшдан ошган ёшларга;
- гетеросексуал эркакларга;
- улар томонидан зўравонлик содир этиш хавфи ўрта ва юқори даражада баҳоланган эркакларга;
- интим шеригига камида бир марта зўравонлик содир этган эркакларга;
- асосий саводхонлик, тил малакаси ва тушуниш қобилиятига эга бўлган эркакларга;
- дастурда иштирок этишга тайёрлигини ўз ичига олган розилик шаклларини имзолашга тайёр эркакларга.

*Эркак кишининг дастурда иштирок этишга тайёрлиги мезонлари:*

- у маълум даражада ўз томонидан зўравонлик қўлланганлигини тан олишга қодир;
- у зўравонликни қўллашнинг муаммо эканлигини кўра олишга қодир;
- у зўравонликни қўллашни тўхтатиш учун маълум даражадаги масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир;

- унинг ҳиссий ва психологик хотиржамлиги ва ҳозирги ёки ўтмишдаги руҳий муаммолари унинг дастурдан фойда олишига тўсқинлик қилмайди;
- у дастурда иштирок этишининг шартларини тушунади.

#### **Филтрлар. Дастур кимга мос келмайди?**

- Тажовузкор аёлларга.
- Бир жинсли муносабатлардаги тажовузкорларга.
- Жиддий руҳий саломатлик муаммолари бўлган тажовузкорларга.
- Натижага эришиш эҳтимоли кам бўлган тажовузкорларга, масалан, гиёҳванд моддалар ёки спиртли ичимликларга қаттиқ қарам бўлганларга.
- Таклиф этилаётган материални етарли даражада идрок эта олмайдиган ва ўргана олмайдиган тажовузкорларга (ақли заиф, миянинг органик шикастланиши бўлганларга).

#### **Гуруҳдаги одамлар сони – 5 дан 12 нафаргача (оптимал сон – 6-10 нафар).**

Зўравонликни рад этувчи иштирокчилар сони – 2 кишидан кўп бўлмаслиги керак. Гуруҳда зўравонлик учун жавобгарликни инкор этувчи 2 дан ортиқ тажовузкорнинг мавжудлиги тузатиш дастури ишини беқарорлаштирувчи кучли омил бўлиши мумкин ва гуруҳ мураббийларининг ишини сезиларли даражада мушкуллаштиради.

#### **Давомат масалалари:**

- Гуруҳ аъзолари йиғилишларда қатнашиши шарт.
- Йиғилишга келмаган тақдирда дастур иштирокчиси масалалари йиғилишда кўриб чиқилган модулдан ўтиши керак бўлади.
- Агар узрли сабабларсиз мунтазам равишда қатнашмаса, иштирокчи дастурдан четлатилиши мумкин.

**Дастур иштирокчилари билан имзоладиган  
ахборотланган розилик намунаси**

*Ахборотланган розилик*

Мен бу ахборотланган розилик билан тўлиқ таништирилдим. Мен ўзим ҳақимдаги маълумотларнинг берилишига ихтиёрий равишда розилик бераман:

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Ҳақиқий яшаш жойи \_\_\_\_\_

Алоқа телефон рақами \_\_\_\_\_

Рўйхатга олинган \_\_\_\_\_

Ҳаётий вазиятнинг қисқача тавсифи: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ да (ташкilot номи)

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_\_ й \_\_\_\_\_ (имзо)

Ахборотланган розиликни олдим \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**(Тўлиқ Ф.И.Ш. ва лавозими)**

Алоқа телефон рақами

### Доминант хулқ-атвор сўровномаси

Бу эркак кишининг шеригига нисбатан қўллаган умумий хулқ-атвор тамойиллари рўйхатидир. Тажовузкорга муносабатларининг бутун даври мобайнида келтирилган турлардан қайси бирини ишлатганлиги ва охириги олти ой ичида қайси бирини ишлатганлиги ҳақида жавоб беришни таклиф қилинг.

#### Доминант хулқ-атвор сўровномаси

Агар сиз қанчалик тез-тез ўзингизни маълум тарзда тутганингизни аниқ билмасангаз, энг яхши таклифингизни ёки эҳтимоли энг юқори бўлган рақамни кўрсатинг. Ҳар бир ҳаракатнинг ёнида муносабатларингизнинг охириги олти ойи ва бутун даври мобайнида қай даражада тез-тез шундай муомала қилганингизни бизга билдириш учун куйида таърифи келтирилган кодни кўрсатинг (иккинчи устунда):

А = бир марта

Б = икки марта

С = 3 дан 5 мартагача

Д = 6 дан 10 мартагача

Э = 11 дан 20 мартагача

0 = ҳеч қачон

Исми: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

Сиз тавсифлаган муносабатлар давом этган вақт: \_\_\_\_\_

#### Ҳиссий зўравонлик

Сиз қанчалик тез-тез	Охириги 6 ой мобайнида	Муносабатларнинг бутун даври мобайнида
Шеригингизни ҳақорат қилгансиз ёки уришгансиз?		
Унинг кийимини ёки ташқи кўринишини танқид қилгансиз?		
Болаларингизга қарашини танқид қилгансиз?		
Унга бақиргансиз?		
Ундан ҳафа бўлгансиз ва уни жазолаш учун у билан гаплашишдан бош тортгансиз?		
Жаҳлингиз чиқиб, хонадан чиқиб кетгансиз ёки уйдан кетиб қолгансиз		

Сиз қанчалик тез-тез	Охирги 6 ой мобайнида	Муносабатларнинг бутун даври мобайнида
Унинг буюмларини бузгансиз?		
Уй ҳайвонларига жисмоний зарар етказгансиз ва/ёки етказиш билан таҳдид қилгансиз?		
Бошқа одамлар ҳузурида уни атайин хижолат қилгансиз?		
Уни унинг дугоналари/оиласи ёки ўзингизнинг дўстларингиз/оилангиз олдида ҳақорат қилгансиз?		
Унинг ухлашига атайин халақит бергансиз?		

Илтимос, бу эрда санаб ўтилмаган ҳиссий зўравонликнинг сиз ишлатган бошқа ҳар қандай шакллари ҳақида сўзлаб беринг: \_\_\_\_\_

---



---



---

Сўровноманинг бошқа саҳифаларида тажовузкор қуйидаги мавзулар бўйича саволларга жавоб беради:

- Рашк ва алоҳидалаш.
- Таҳдидлар ва қўрқитиш.
- Жисмоний зўравонлик.
- Жинсий зўравонлик.
- Зўравонликнинг шеригингиз учун оқибатлари.
- Зўравонликнинг болаларингиз учун оқибатлари.
- Молиявий зўравонлик.
- Шерикка шилқимлик қилиш, уни таъқиб қилиш ёки кузатиш.
- Онлайн зўравонлик.

### **Маслаҳат беришнинг дастлабки қадамлари:**

1-қадам. Ўзингизни мижозга таништиринг, ўз ролингиз ва қандай ёрдам бера олишингиз тўғрисида сўзлаб беринг.

2-қадам. Бўлиб ўтган воқеанинг жиддийлигини тан олинг.

3-қадам. Мижозни бўлиб ўтган воқеани гапириб беришга унданг, аниқловчи саволларни беринг.

4-қадам. Мижозга зўравонлик туфайли пайдо бўлган ҳис-туйғуларни ифода этишга ёрдам беринг.

5-қадам. Зўравонликни бошидан кечирган кўплаб одамлар худди шунга ўхшаш ҳис-туйғулар ва реакцияларни бошидан кечиришини тушунтиринг.

6-қадам. Зўравонлик тўғрисидаги тасаввурларга (зўравонликдан олдинги ва зўравонлик пайтидаги ҳаракатларга) аниқлик киритинг.

7-қадам. Зўравонлик учун фақат зўравон жавобгар эканлигини тушунтиринг.

8-қадам. Мижознинг ҳикоясига хулоса ясанг.

9-қадам. Мижозни нима кўпроқ тапшишга солаётганини ва биринчи навбатда нима билан шуғулланиш кераклигини аниқлашга ёрдам беринг. Асосий долзарб муаммони сўз билан ифодалашга унданг.

10-қадам. Зўравонлик натижасида пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар режасини тузинг. Мумкин бўлган ечимларни тахмин қилинг.

11-қадам. Ҳаётни назорат қилиш ҳиссини мустаҳкамланг. Мижоз ўзи зарур деб билган қадамларни танлашга қодир эканлигини таъкидланг.

12-қадам. Жабрланувчини шикастланишга нисбатан мумкин бўлган реакцияларга тайёрланг.

13-қадам: Зарур бўлса, бундан кейинги ёрдамнингизни таклиф қилинг. Оила ва дўстлар ичида ким мижозни қўллаб-қувватлаши мумкинлигини, нима барқарорлик ва ишончни сақлашга ёрдам беришини аниқланг.



## МИЖОЗ КАРТАСИ

Картани тўлдириш санаси \_\_\_\_\_

Фамилияси \_\_\_\_\_

Исми, отасининг исми (мавжуд бўлса) \_\_\_\_\_

Жинси \_\_\_\_\_

Туғилган санаси \_\_\_\_\_

Алоқа телефон рақамлари \_\_\_\_\_

Бандлиги (қаерда ва ким бўлиб ишлайди, ўқийди, бандлик марказида рўйхатда туради, охирги иш жойи ва бошқалар) \_\_\_\_\_

Рўйхатга олиш манзили, турар-жойининг хусусиятлари \_\_\_\_\_

Яшаш манзили, турар жойининг хусусиятлари \_\_\_\_\_

Фуқаролиги \_\_\_\_\_

Паспорт маълумотлари \_\_\_\_\_

Оилавий аҳволи \_\_\_\_\_

Турмуш ўртоғи тўғрисидаги маълумот (Ф.И.Ш., ёши, бандлиги, яшаш жойи ва бошқалар) \_\_\_\_\_

Болалари тўғрисидаги маълумот (Ф.И.Ш., ёши, бандлиги, яшаш жойи ва бошқалар) \_\_\_\_\_

Судланганлик тўғрисидаги маълумот \_\_\_\_\_

Соғлиғининг ҳолати (сурункали касалликлар, ногиронлик, психоневрологик диспансерда рўйхатда туриши ва бошқалар) \_\_\_\_\_

Қариндошлари, дўстлари тўғрисида маълумот \_\_\_\_\_

## Зўравонлик тўғрисида маълумот

Рўй берган воқеа \_\_\_\_\_

Воқеа рўй берган жой \_\_\_\_\_

Тажовузкор тўғрисидаги маълумотлар (жинси, ёши, қаерда ва ким бўлиб ишлайди, жабрланувчига нисбатан қариндошлиги, зўравонлик давом этган муддат ва бошқалар)

Воқеа оқибатлари: полицияга ариза билан мурожаат қилиш \_\_\_\_\_

Психологик шикаст \_\_\_\_\_

Бошқа \_\_\_\_\_

Қўллаб-қувватлаш эҳтимоли (қариндошлари, дўстлари, танишлари, ташкилотлар ва бошқалар) \_\_\_\_\_

Қўллаб-қувватлаш учун сўров: психотерапевтик \_\_\_\_\_

Психологик \_\_\_\_\_

Бошқа \_\_\_\_\_

Мижоз изоси:

Маслаҳатчининг имзоси:

## Инқироз ҳақида маълумот

Вужудга келган ҳаётий вазиятнинг тавсифи \_\_\_\_\_

---

---

---

---

---

---

Муаммоларнинг қисқача мазмуни: уй-жой муаммолари \_\_\_\_\_

---

Паспорт ва виза билан боғлиқ муаммолар \_\_\_\_\_

---

Бандлик, таълим олиш билан боғлиқ муаммолар \_\_\_\_\_

---

Моддий муаммолар \_\_\_\_\_

Ҳуқуқий муаммолар \_\_\_\_\_

Бошқа муаммолар \_\_\_\_\_

Психологик муаммолар \_\_\_\_\_

Бошқаси \_\_\_\_\_

Қўллаб-қувватлаш эҳтимоли (қариндошлар, яқинлар, танишлар, ташкилотлар ва бошқалар): \_\_\_\_\_

---

---

Мижознинг изоси:

Маслаҳатчининг имзоси:

### Маслаҳат берилиши тўғрисидаги маълумот

Сана \_\_\_\_\_

Маслаҳатчи \_\_\_\_\_

Суҳбатнинг асосий жиҳатлари (шу жумладан, миждознинг ҳис-туйғулари) \_\_\_\_\_

Суҳбат натижаси \_\_\_\_\_

Маслаҳатчининг сезги ва ҳис-туйғулари \_\_\_\_\_

Изоҳ \_\_\_\_\_



Шеригингиз учун \_\_\_\_\_

Сиз учун \_\_\_\_\_

Бошқалар учун \_\_\_\_\_

**10. ДОМИНАНТ БЎЛМАГАН ХУЛҚ-АТВОР:** вазиятни тажовузсиз ҳал қилиш учун  
нима қилиш мумкин эди? \_\_\_\_\_

## ДОМИНАНТЛИК (УСТУНЛИК) ҚИЛИШ ЖУРНАЛИ

(жисмоний бўлмаган зўравонлик учун)

ИСМИ (босма ҳарфлар билан) \_\_\_\_\_

САНА \_\_\_\_\_

**1. ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР:** Шеригингизга нисбатан тажовузкор ҳаракатларингиз қандай бўлганлигини қисқача тасвирлаб беринг (жисмоний зўравонлик шакли, жиддийлиги, давомийлиги ва етказилган жароҳатлар) \_\_\_\_\_

**2. ЎЗИНГИЗНИ ҚАНДАЙ ҲИС ҚИЛГАН ЭДИНГИЗ** (Зўравонлик рўй беришидан аввал) Юз ифодаси \_\_\_\_\_

**3. НИЯТЛАР:** бу ҳаракатларингиз билан нимага эришмоқчи эдингиз? Шеригингизнинг нимани бошқача қилишини хоҳлаган эдингиз? \_\_\_\_\_

**4. ИШОНЧ:** сизнинг фикрингизча, ушбу воқеа контекстида ҳамма нарса қандай бўлиши керак? \_\_\_\_\_

**5. СИЗ БУНДАЙ ФИКР ТЎҒРИСИДА ҚАЕРДАН БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН ЭДИ?** Бундай фикрнинг намоён бўлишини яна қаерда кўргансиз? \_\_\_\_\_

**6. ОҚИБАТЛАРИ:** зўравонлигингиз ёки тажовузкор хулқ-атворингиз қандай оқибатларга олиб келди?

Шеригингиз учун \_\_\_\_\_

Сиз учун \_\_\_\_\_

Бошқалар учун \_\_\_\_\_

**7. АВВАЛГИ ЗЎРАВОНЛИК/ТАЖОВУЗКОРЛИК ҲОЛАТЛАРИ:** аввалги зўравонлик/тажавузкорлик ҳолатлари ушбу вазиятга қандай таъсир қилди \_\_\_\_\_

**8. ДОМИНАНТ БЎЛМАГАН ХУЛҚ-АТВОР:** вазиятни тажовузсиз ҳал қилиш учун нима қилиш мумкин эди? \_\_\_\_\_

## ТАЖОВУЗКОРЛИК ТЕСТИ (Л. Г. ПОЧЕБУТ СЎРОВНОМАСИ)<sup>12</sup>

**Шкалалар:** оғзаки тажовуз, жисмоний тажовуз, предметли тажовуз, ҳиссий тажовуз, ўз-ўзига тажовуз.

### ТЕСТДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД

Тажовузкор хулқ-атворни ташҳислаш.

#### Тест тавсифи.

Этнопсихологик тадқиқотларда тажовузкор хулқ-атворни ўрганиш муаммоси алоҳида ўрин тутди. Тажовузкорлик даражасини аниқлаш мамлакатда миллатлараро низоларнинг олдини олишга, ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам беради. Тажовузкор хулқ-атвор субъект зарар етказмоқчи бўлган бошқа одамга ёки одамлар гуруҳларига нисбатан кучда устунлигини намойиш қилиш ёки куч ишлатиш билан тавсифланадиган инсон ҳаракатларининг ўзига хос шаклидир.

Тажовузкор хулқ-атворни адаптив хулқ-атворнинг тескариси деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### Тест ўтказиш учун йўриқнома.

“Мўлжалланган сўровнома сизнинг стрессли вазиятлардаги одатий хулқ-атворингиз ва ижтимоий муҳитга мослашиш хусусиятларингизни аниқлаб беради. Қуйида келтирилган 40 та фикрга бир маъноли (“ҳа” ёки “йўқ”) баҳо беришингиз керак.

### ТЕСТ

1. Мунозара пайтида мен тез-тез овозимни кўтараман.
2. Агар кимдир менинг ғашимга тегса, мен унга у ҳақидаги барча фикримни айтишим мумкин.
3. Агар ўз ҳуқуқларимни ҳимоя қилиш учун жисмоний куч ишлатишимга тўғри келса, мен буни иккиланмасдан қиламан.
4. Мен ўзим ёқтирмайдиган одамни учратганимда, мен уни сездирмасдан чимчилаб олишим ёки итариб юборишим мумкин.
5. Бошқа одам билан бахсга берилиб кетиб, диққатни ўзимга жалб қилиш ёки ўзимнинг ҳақлигимни исботлаш учун муштим билан столга уришим мумкин.
6. Бошқалар менинг ҳуқуқларимни ҳурмат қилмаслигини ҳис қиламан.
7. Ўтмишни эслаб, баъзида ўзимга ачинаман.
8. Сир бой бермасам ҳам, баъзида мени ҳасад кемиради.
9. Агар танишларимнинг хулқ-атворини маъқулламасам, бу ҳақда уларга тўғридан-тўғри айтаман.
10. Қаттиқ ғазабланганимда кучли ибораларни ишлатаман, сўкинаман.
11. Агар кимдир менга қўл кўтарса, аввал мен уни уришга ҳаракат қиламан.
12. Ғазабим шу даражада кучли бўладики, турли нарсаларни ҳар томонга улоқтириб ташлайман.
13. Мен тез-тез уйдаги/квартирадаги мебелларнинг ўрнини ўзгартириш ёки бутунлай алмаштиришга эҳтиёж сезаман.

12 <http://testoteka.narod.ru/lichn/1/47.html>



14. Одамлар билан мулоқот қилганимда кўпинча ўзимни портлашга тайёр бўлган “милтиқдори бочкаси” каби ҳис қиламан.
15. Баъзан менда бошқа одамга қалтис ҳазил қилиш истаги пайдо бўлади.
16. Жаҳлим чиққанида одатда чехрам бузилади.
17. Бирор киши билан суҳбатлашганда гапини бузмасдан диққат билан тинглашга ҳаракат қиламан.
18. Ёшлигимда муштларим тез-тез “қичиб” турарди ва мен уларни ишга солишга доим тайёр эдим.
19. Агар бирор киши мени атайлаб туртиб юборганини билсам, у ҳолда иш муштлашишгача етиб бориши мумкин.
20. Иш столимдаги ижодий тартибсизлик менга самарали ишлаш имконини беради.
21. Эсимда, шу даражада кучли ғазабланар эдимки, қўлимга тушган ҳамма нарсани синдириб ташлар эдим.
22. Баъзида одамлар мен бор жойда ҳозирлигининг ўзи билан ҳам ғашимга тегади.
23. Мен кўпинча қандай яширин сабаблар бошқа одамни менга қандайдир яхшилиқ қилишга мажбур қилишига ҳайрон бўламан.
